



O'zBA huzuridagi
MARKAZ

“Рангтасвир (турлари бўйича)”

**Композицияда услублар ва бадиий
таҳлил**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Ушбу ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил 25 декабрдаги 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: К.Бехзод нимидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси профессори Худайбергандов Рустам Адамбаевич

Такризчилар: Хорижий эксперт: Тяджун Иун (Лужин Иун) - Ўзбекистондаги Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) томонидан шартнома асосида МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасида волонтер ўқитувчи.

Ғ.Қодиров - МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси профессори, академик.

Ўқув -услугий мажмуа ЎзБА ҳузуридаги Марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2022 йил “20” июлдаги 4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	70
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	77
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	80
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	84
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- “Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар

- Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- **Тингловчи:**

- рангтасвирнинг бадиий воситаларини;
- рангтасвир композицияси қонун-қоидаларини;
- тасвирий санъатда ижодий услубларни;
- академик чизматасвирнинг тасвирий санъатдаги аҳамиятини;
- колорит ечими ва инсон рухиятига таъсирини;
- рангтасвирда композиция қурилишида ижодий тафаккур юритишни;
- академик рангтасвир ишлашда янги технологиялардан фойдаланишни

билиши керак.

- хорижий академик рангтасвир санъати усулларини кадрлар тайёрлаш миллий тизимига жалб этиш;

- академик чизматасвир ва рангтасвир санъати соҳаси олий таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига татбиқ этиш;

- чизматасвирда шакл ва ҳажм тасвирлашда бадиий ҳис қилиш;

- чизматасвир ва рангтасвирнинг ўзига хослиги англаш;

- рангтасвир ва чизматасвир янги техникаларини ўрганиш;

- рангтасвирда рангшунослик асосларини англаш *кўникмаларига* эга

бўлиши лозим.

- бадиий асарда томошабин диққатини жамлаш;

- чизматасвир ва рангтасвирда бадиий фикрлаш;

- рангтасвир ривожланишида оқим ва йўналишлардан фойдаланиш;
- академик рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва таҳлил этиш;
- академик чизматасвир ва рангтасвир ишлашда илғор, замонавий усубларидан фойдалана олиш;
- тасвирий санъат кўргазма ва галериялари асарларини таҳлил қилаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.
- рангтасвирда рангларнинг инсон руҳиятига таъсирини санъат асарлари орқали ифодалаб бериш;
- тасвирий санъатда академик рангтасвир композицияси орқали ижодий тафаккур юрита олиш;
- академик рангтасвирнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанликни амалга ошириш;
- тасвирий санъат соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш;
- хусусий талаб ва корпоратив коллекциялаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Композицияда услублар ва бадиий таҳлил” модули мазмуни ўқув режадаги “Рангтасвирда илғор йўналишлар ва бадиий ёндашувлар”, “Чизматасвирда академик мактаб услуби”, “Рангтасвирда академик мактаб услуби” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоги:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклариси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Композициянинг бадиий воситалари. Композицияда фазовий муҳитни ҳис қилиш. Шакл ва ҳажм тасвирида образни ҳис қилиш руҳиятига таъсири.	2	2		
2.	Рангтасвир асарларидаги композицион ечими ва қодалари. Тасвирий санъатда нур-соя хусусиятлари.	2	2		
3.	Композиция қурилишларп ва бадиий ечим. Композицияда бадиий фикрлаш хусусиятлари. Композицияда колорит ечими ва инсон руҳиятига таъсири.	4	4		
4.	Рангтасвир композициясини ишлашда тассаввур, англаш, кўриш ва ҳис этиш қобилияти.	2			2
5.	Тасвирий санъатда кўникма, маҳорат ва кузатувчанлик туйғуларини ривожлантириш.	4		4	
6.	Рангтасвир композициясида шакл ва ҳажм ҳосил қилишни ҳис этиш. Тасвирий санъатда композицияни АКТ орқали таҳлил усуллари.	4		6	
Жами: 16		20	8	10	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Композициянинг бадиий воситалари. Композицияда фазовий муҳитни ҳис қилиш. Шакл ва ҳажм тасвирида образни ҳис қилиш руҳиятига таъсири. (2 соат)

Композициянинг қонун ва қоидалари ва бадиий воситалари. Композицияда фазовий муҳитни ҳис қилиш. Шакл ва ҳажм тасвирида образни ҳис қилиш руҳиятига таъсири Композиция. Композиция асослари. Яхлитлик. Композиция қурилмаси. Учўлчамли тасвир. Икки ўлчамли тасвир. Композицияда текислик. Композицияда кўп планлик қурилмаси. Композицияда шакл ва ранг уйғунлиги.

2-мавзу: Рангтасвир асарларидаги композицион ечими ва қоидалари. Тасвирий санъатда нур-соя хусусиятлари. (2 соат)

Рангтасвир асарларидаги композицион ечими ва қоидалари. Тасвирий санъатда нур-соя хусусиятлари. Миллий рангтасвирда анъанавийлик. Мавзуни ёритишда шакл ва қиёфалар характери. Рангтасвир композициясида мавзу таҳлили. Рангтасвир композициясида ғоявийлик. Рангтасвир композициясида нур-соянинг роли.

3-мавзу: Композиция қурилишлари ва бадиий ечим. Композицияда бадиий фикрлаш хусусиятлари. Композицияда колорит ечими ва инсон руҳиятига таъсири. (2 соат)

Композиция қурилишлари ва бадиий ечим. Композицияда бадиий фикрлаш хусусиятлари. Композицияда колорит ечими ва инсон руҳиятига таъсири. Композиция қурилишида шакл бадиийлиги. Рангтасвирда шакллар образи ва таҳлили. Композицияда колоритнинг роли. Шакл ва рангнинг инсон руҳиятига таъсири.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки уч мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган рангтасвир йўналиши бўйича амалий топшириқларни бажарадилар.

Топшириқ ёзма тарзида ёки амалий рангтасвир ишлаш шаклида бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар куйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзусга бўлган муносабатини амалий кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, қўшимча воситалар, шунингдек амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Тасвирий санъатда кўникма, маҳорат ва кузатувчанлик туйғуларини ривожлантириш. (4 соат)

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар томонидан натурани ўрганиш асосида қўйилган вазифаларни амалга ошириш шароитлари тўғрисида фикр алмашадилар. Натурадан композиция яратиш йўллариини излаб топадилар. Натурадан ишлаш асосида композиция ва ранг колорити тўғрисидаги бадиий ечимни таҳлил қилган ҳолда ижодий фикрлашни машқ қиладилар

2- амалий машғулот: Рангтасвир композициясида шакл ва ҳажм ҳосил қилишни ҳис этиш. Тасвирий санъатда композицияни АКТ орқали таҳлил усуллари. (4 соат)

Тингловчилар томонидан композиция учун шаклларнинг мавзуга мос келиши ва ундаги шакллар зиддиятлари ўрганилади. Мавзуга асосан композиция учун қўшимча маълумотлар тўплайдилар ҳамда мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий маҳорат ва кўникмаларини намоиш этадилар.

КЎЧМА МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маъруза амалий машғулотлардан сўнг режалаштирилган кўчма машғулотлар тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларда олган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида жойлар (устахона, музей, бадиий кўргазмалар)да ўтказилади. Бунда, тингловчилар ўз амалий фаолиятида татбиқ этиш билан мулоқот қилиш, уларнинг амалий фаолиятини кузатиш, улар томонидан яратилаётган санъат асарлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

1-кўчма машғулот: Рангасвир композициясини ишлашда тассаввур, англаш, кўриш ва ҳис этиш қобилияти.

Тингловчилар Тошкент шаҳрида жойлашган рассомлар устахоналаридан бирига ташриф буюрадилар. Олдиндан келишилган рассом фаолияти тўғрисида суҳбатлашиши каторида ижоднинг ўзига хос томонлари, устозлари, шогирдлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб, ўзининг кундалик бажарадиган амалий фаолиятини намойиш этиб беради. Шу билан бир қаторда тингловчилар ижодкорнинг ишлари ёки мастер-классларини томоша қилиб, асар яратиш сирлари билан танишиб, ўз фикрларини баён этишлари учун шароит яратилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар, амалий машғулотлар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

I. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Аклий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: аклий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Аклий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали аклий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий аклий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали аклий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

Ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини такқослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Мотив	(французча сўздан motif- сабаб, сюжет):	Амалий – безак санъатда – асосий

	1) Натура объекти, рассом томонидан тасвирлаш учун мўлжалланган объект ёки баъзи холларда манзара бўлиши мумкин;	элемент орнамент композицияси кўп такрорли бўлиши мумкин.
Муносабат, нисбат.	(отношения) – асар яратишда фойдаланилган натура элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Масалан: рангтасвирда тус ва ранг муносабати, хар хил ёрқинлик нисбати. Чизматасвирда ўлчам ва шакл нисбатлари. Санъатда таққослаш усули билан аниқланади	Тус ва ранг муносабаталари контраст, ўткир ва енгил нюансли бўлиши мумкин.
Наброска	тез ишланган хомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради.	Наброска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.
Оригинал	(лотинча сўздан <i>originalis</i> – биринчи бор, асли, асл нусхаси) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари;	нусхаси олинган хар қандай тасвирий санъат асари.
Панно	(французча сўздан <i>panneau</i> -рамкага солинган тахта, доска) – Безакли хайкалтарошлик ёки рангтасвир асари; Бинога ёки бирон жойга мўлжалланган бўлиши мумкин. Панно одатда деворни безаш учун хизмат қилади. Панно холстга ишланиши мумкин;	Панно байрам кунлари шаҳар кўчаларини безаш учун вақтинчалик жойлаштирилади.
Пластика	(грекча сўздан <i>plastika</i> - ваяние) – 1) рангтасвирда, чизматасвирда ва хайкалтарошликда буюмни шакллантириш, тасвири ҳосил қилиш; 2) ифодали рангтасвир ишлаш йўли, мўйқалам билан ишлашдаги енгиллик, моҳирлик.	Ҳайкалтарошликда, графикада ва тасвирий санъатда шаклнинг аниқликка, ифодаликка эришиш.

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл куйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб кўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Композициянинг бадиий воситалари. Композицияда фазовий муҳитни ҳис қилиш. Шакл ва ҳажм тасвирида образни ҳис қилиш руҳиятига таъсири.

Режа:

- 1.1. Композициянинг бадиий воситалари ва турлари. Композицияда фазовий муҳитни ҳис қилиш.
- 1.2. Шакл ва ҳажм тасвирида образни ҳис қилиш руҳиятига таъсири
- 1.3. Композицияда текислик ва кўп планлик қурилмаси, шакл ва ранг уйғунлиги.

Таянч сўз ва иборалар

Композиция, бадиий яхлитлик, рангтасвир, ранглар, графика, нурсоя, этюд, мозаика, натюрмод, портрет, маҳобатли панорама, ҳайкалтарошлик, графит, қаламтасвир.

1.1. Композициянинг бадиий воситалари. Композицияда фазовий муҳитни ҳис қилиш

Композициянинг қонун-қоидалари, усул ва воситалари асар мазмунинг тасвирий «мағзи»ни ташкил этади, композицияни қуришга ёрдам беради, пластикни ечимини ишлаб чиқишда зарурий аҳамиятга касб этади.

Композициянинг қонун-қоидалари. Композициянинг қонун-қоидалари: ритм, мазмунли-композицион марказ, симметрия ва асимметрия, асосийни иккинчи планда кўрсатиш кабилардан иборат.

Ритм. Агар симметрия элементларни тинч мувозанатини таъминласа, ритм ҳаракатни назарда тутаяди, қайсики бу ҳаракат тўхтамайди, чексизликкача давом этади. Ритм ҳаётда ва санъатда катта ёки кичик бир маромда даврий такрорланишдир. Қандайдир ўхшаш элементни, тимсолий вазият, шарт-шароитни, маълум интервалда алмашиниб туришидир. Ритм энг аввало табиатда мўъжизавий композицион бошланма сифатида мавжуд. У борлиқнинг жуда кўплаб жабҳаларида иштирок этади: коинот тузилишида органик ва неорганик табиатда, йилнинг фаслий ва таркибий қайтарилишларида, ҳайвонот оламида, ўсимликлар дунёсида, одам организмида (нарсалар алмашувида, нафас олишда, юрак уришида) ўзига хос маром билан ҳаракатда бўлади. Ваҳоланки, санъатдаги ритм билан табиатдаги ритм бир нарса эмас. Санъатдаги ритм органик табиатдаги ритмга яқинроқ, чунки у техник хусусиятлари билан анчайин пластикдир.

Ритмни баъзи рассомлар қоида сифатида айтишади, (мас. А.Дейнека) бошқалари эса қонуният деб ҳисобласа, учинчи хил қараш ҳам бор, уларнинг фикрича ритм-восита, композициянинг ташкилий бошловчиси деб ҳисоблайдилар.

Ритмнинг ташкилий бошланиш эканлигини тан олган ҳолда Е.А.Кибрик ёзади: «Композициянинг ритмик асоси рассомнинг ғоявий мақсадини ички қонуниятини ифодалайди. Бу асосий қонуният ҳар бир ғоявий мақсадда иштирок этади ва у бадиий асарнинг композицион қурилиши ва бир маромини топа олишнинг, удалашнинг гаровидир. Ритм-композициянинг ташкилий бошланишигина эмас, балки нафосати ҳамдир, айнан шу орқалигина асарга шоироналик, бадиийликдан ажралмаган ҳолдаги мусиқавий жиҳатлар кириб келади».* (А.Т)

Ритм рассомлар ижодида композициянинг қонун-қоидаси сифатида ўзининг хусусиятларига ва кенг ҳаракат диапазониغا эга. У композицияда ташкилий ва эстетик аҳамият касб этади. У композиция қонунларига асосланади, Чизик, ранг, тус контрастларида ифода этилади (хайкалтарошликда ҳажм контрастлари).

Ритм муваффақиятли топилган композицияда бир варақайига асарнинг контрастлар қонунини қўллаш билан асарнинг компонентларига айланади ва уларни бирлаштиради ҳам.

Композицияда маълум бир детал ёки элементларни такрорланиши томошабинда мазмун ва уни ўсиб боришини мушоҳада қилиш ва ҳис қилишга олиб келади. Ритмнинг бу хусусияти композициянинг ҳаётийлик қонуни билан ўзаро алоқасини аниқлаб беради, қайсики бу билан рассом ташқи ҳаракатларни кўрсатиш билан чегараланиб қолмасдан балки, ички ҳаракатларни юзага чиқаради.

Ритм барча даврларда, барча санъат турларида мавжуд ва бор бўлган. Қадимий Шарқ санъатида ритмни қўллаш қаттиқ талаб этилган. Қадимги Миср санъатида ритм тасвирлари бўлган фриз композициянинг асосий шакли ҳисобланган.

Қадимги Греция санъати эса, ритм ва симметрияни яхши ўзлаштириб олинганлиги сабабли Миср санъатидан бир қадам олдинга ўтиб кетган эди. Одамнинг анчайин табиий позаларда ва анча фаол ҳаракатларини ритмда ранг-баранг тасвирлаш билан қадимги грек усталари ифодавий композициялар яратишган. Ритмнинг маҳсус ҳолларини грекларнинг вазаларида кўрамиз. Грециянинг классик давридаги рангтасвир композициялари ҳам ритмик асосга қурилган.

* Е.А.Кибрик. Об искусстве и художниках. М., 1961. 215-216 бет.

Уйғониш даври санъатда ритмдан фойдаланиш композициянинг асосий уч талабидан бири бўлган. Композициянинг бу уч вазифаси: переспектива, текисликни ритмик бўлақларга ажратиш, қуриш нуқтаси ҳисобланган ва илк уйғониш даври рассомлари томонидан асосланган. Бу ҳақда монументал фрескалар гувоҳлик беради. Фикримиз далили сифатида Джотто композицияларидан масалан, «Христосни чўқинтириш» ва «Мариянинг тўй воқеалари» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, XV асрда композициянинг қонун-қоидалари ва услубларини изчил в муваффақиятли равишда Мазаччо, Ботичелли, Мантаныелар қўллайдилар. Мазаччо «Динари ҳақида афсона» асарида омманинг ритмик уйғунлиги, катта фазо, тасвирий фигураларнинг ҳажмлилигини тасвирлаган ва фресканинг тўлалигича композицион яхлитликка эришган.

Уйғониш даври усталари ишлаб чиққан композиция қоидалари XVI-XVIII асрларда ҳам санъат марказида қолади, бунда ритмга алоҳида ўрин берилади. Рангтасвир асарларидаги ритмик жойлашувда мураккаб боғламли ёруғ-соялар ва ранг гармонияси пайдо бўлади. Масалан, Тинтореттонинг «Сирли окшом» картинасида мураккаб ритмни кўрамиз, композициянинг диогнал қурилишида эканлиги тасвирланган фигураларнинг ҳаракатини кучайтириб юборган.

XVII асрга келиб асосий ролни композицион ечимда ёруғ-соялар ва ранг ўйнаш бошлайди. Бунга ёрқин бўлиб Рембрандт асарлари, хусусан «Тунги назорат», «Оқпадар ўғилнинг қайтиши» кабиларни кетириш мумкин. Композицияда ёруғлик ва соя эффекти асосий рол ўйнасада, ритмнинг роли ҳам пасаймайди, аксинча, у асарнинг эмоционал таъсирини кучайтиради ва томошабинга маълум предмет ва воқеаларни янгича кўришни юзага келтиради (13-расм).

XIX юз йилликда Рус санъатида картина текислигини ташкил этишда ритмни актив қўлланилишига ҳаракат қилинади. Жумладан, К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнгги куни»да ёрқин ва тўқ доғлар ўз навбатида маълум бир ритмни ҳосил қилади ва картинани мувозанатли, яхлит холга кўришга олиб келади. Куинджининг «Берёза ўрмони» эса бизга манзарадаги ритмни классик намунасини намоён этади (14-расм). А.А.Дейнеканинг «Чанғичилар», «Эстафета», «Даралар. Спортчи қизлар» асарлари ритмни аниқ ўрнини кўрсатиб беради. Бу асарларда ритм мураккаб қўлланилганлиги билан ажралиб туради. «Эстафета»да ҳаракат диогнал бўйича кетса, «Спортчи қизлар»да ҳаракат пасдан бошланиб, дарё қирғокларида бурилиш аввал томошабинга, сўнг картинага параллел кетади.

Мазмунали-композицион марказ. Композициянинг ғоявий мазмунини, энг асосийни етарли ва аниқ ифода этиб берувчи картинанинг маълум бир

қисмини *мазмунли-композицион марказ* деб аталади. Композицион марказ композициянинг асосий қонунларига мос ҳолда ҳажми, ёритилганлиги ва бошқа воситалари билан ажралиб туради. Композицион марказ биринчи навбатда, албатта томошабин диққатини ўзига жалб этиши лозим.

Композиция маркази фақат рангасвирдагина эмас, балки ҳайкалтарошлик, графика, декоратив санъат ва меъморликда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Композицияни албатта инсонни кўриш хусусиятларини ҳисобга олиб қуриш керак. Мазмунли-композицион марказни ташкил этиш ҳам худди шу нуқтаи-назар билан боғланади ва шундагина ёркинроқ ифодалаш билан бадиий асар мазмунидаги асосий нарса кўзга ташланади. Шу сабабдан, композициянинг бош талабларидан бири - ўзида мазмунни конструктив ғоясини мужассам этган мазмунли-композицион марказни тўғри жойлаштириш ҳисобланади. Яхлитлик қонунига кўра, рассом мантиқан композиция марказини бошқа қисмлари билан боғлаганлигини асослаш керак. Агарки, марказ бирор томонга ўйланмай сурилиб кетса, ҳисобда йўқ бўш жой пайдо бўлиб қолади, бу эса асар ғоясини сустантирувчи тасаввур уйғотади.

Мазмунли композицион марказ айнан геометрик марказда бўлиши жуда кам ҳолларда учратилади. Композицияда яна шу нарса жуда қимматлидир, яъни композиция шундай тузилсинки, ундан ҳеч бир нарсани олиб бўлмасин, ҳеч бир нарса қўшиб ҳам бўлмасин.

Шундай бўлса мисол тариқасида композицион марказни геометрик жойлаштиришга классик мисол, Леонардо да Винчининг «Сирли оқшом», В.И.Васнецовнинг «Паҳлавонлар» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, Рембрандтнинг «Оқпадар ўғилнинг қайтиши», В.Г.Перовнинг «Гувернант қизини савдогар уйига келиши» асарларини келтирса бўлади. В.Г.Перовнинг «Учовлон» асарида мазмунли композицион марказни олдинги фазовий планда турган болалар ташкил этади. Бу ҳолда рассом асарнинг ғоявий мақсадидан келиб чиқиб, фигураларнинг ҳаракат йўналишини (ёки пластик ҳажми) мазмунли композицион марказга муносабатида беради.

«Гувернант қизини савдогар уйига келиши»да гувернант қиз биринчи планда томошабинга ёндан тасвирланган, унинг орқасида иккинчи планда воқеалар бўлиб ўтмоқда. Унга қадалган савдогар ва уйдагиларни қарашларида асосий маъно берилади, у эса гўё кечирим сўраётгандек турибди (14-расм). Фигураларни бундай жойланиши ва фазовий планлар рассомнинг ғоявий мақсадига тўла жавоб беради.

Мазмунли композицион марказни иккинчи планда жойлаштириш, гўёки яқиндагидан узоқликка кетишга олиб келади ва картина қисмларини

жойлаштиришда, марказ билан уларни бирлаштиришнинг бой имкониятларидан фойдаланишида кўл келади.*

И.Е.Репининг «Кутмаган эдилар» полотносида мазмунли марказ иккинчи планда кўрсатилади. Унда хибсдан кайтган инқилобчи фигураси туради. А.А.Ивановнинг «Исонинг элга кўриниши» асарида мазмунли марказ, бу улкан полотнонинг номига мос холда иккинчи планга узоклаштирилган ва мазмунга мос холда бош персонажнинг фигураси кичиклаштирилган ҳамда унинг якка холда умумий фонда берилиши билан оммага нисбатан ажралиб туради (15-расм).

Симметрия. Симметрия умуман санъатда, хусусан тасвирий санъатда ўзининг асосини реал борлиқдан олади. Композицияни симметрик ташкил қилиш учун характерлилиги унинг мувозанатини хажмий қисмларга, тусга, ранг ва хатто шаклларга нисбатан олинишидир. Бундай холда одатда бир қисм иккинчиси билан худди кўзгудагидек ўхшайди. Симметрик композициялар хаммасидан аввал ёрқин ифодаланган марказга эга бўлади. Одатда у картина текислигининг геометрик марказига мос келади. Агарки чиқиш нуктаси марказ билан аралаш бўлса, хажмий холда бирор қисм оғирок бўлса, ёки бу тасвир диагональ бўйича қурилса бу композициянинг ҳаракатчанлигидан дарак беради ва қандайдир маънода ғоявий мазмунни бузиб тургандек бўлади.

Симметрия қоидаларини Қадимги Греция хайкалтарошлари алақачонок қўллаганлар. Симметрик композициялар грек усталаринг эрадан аввал IV-III асрларда қўлланилганлиги фрескалардан олинган нусхалардан билиб олинади. Илк Ўйғониш даврида Джоттонинг фрескаларида, Юқори Ўйғониш даврида эса Леонардо да Винчининг «Авлиё Анна, Мария ва чақалоқ Христос билан» асарида учта фигура ўткир учбурчак шаклида фазовий (остидангина топиб олинган) қилиб жойлаштирилган. Яна шунингдек, шу рассомнинг «Сирли окшом»и Рафаэлнинг «Мариянинг никохланиши», «Афина мактаби», «Сикстин мадоннаси» асарлари ҳам симметрия қоидалари асосида қурилган.

Улуғ рус рассоми В.М.Васнецовнинг «Пахлавонлар» асари ҳам ажойиб симметрик шаклига монандликдаги композицион асардир (16-расм).

Асимметрия. Асимметрия тузилиши жиҳатидан симметриянинг аксинча кўринишидир. Агар композиция асимметрик кўринишда бўлса, демак у симметрикмасдир ёки аксинча тескариси. Асимметрик композицияда мувозанат предметлар орасидаги фазовий узилишлар билан бир-бирига яқинлашади ёки бутунлай ажралиб кетади. Мувозанат қарама-қарши қўйилган катта ва кичик, очлик ва тўқлик контрасти, ёрқин ва хира ранглар билан хосил қилинади.

Бундай композицияларга К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнги куни», А.А.Дейнеканинг «Спортчи қизлар»и ва бошқа кўплаб асарларни мисол келтирса бўлади (17-расм).

Композицияда параллеллик. Маълумки картина текислиги четлари албатта рамка билан тугайди. Тасвир ҳам, шунга мос ҳолда турли параллел ва параллел бўлмаган чизиқлар билан картина ғоявий мазмунга мослик ва мос эмаслик ҳолатлари билан боғланади. Параллелликни бўлиши тасвирда бошқа қия ёки эгик чизиқларнинг таъсирчанлигини оширади.

Асосийнинг иккинчи планда жойлаштириш. Кўпинча ҳоларда асосийни иккинчи планда кўрсатиш билан ҳам композицион ечимга эришилади. Бунда ҳаракатдаги асосий шахс ёки гуруҳ иккинчи планда кўрсатилади. Натижада биринчи план ҳам унга бўйсунган ҳолда танланади. Бунга Рафаэлнинг «Афина мактаби», А.И.Ивановнинг «Исони элга кўриниши» ва бошқалар мисол бўла олади. Миниатюра асарларида ҳам кўпинча асосий қаҳрамонлар иккинчи планда берилди

Бадий рангтасвир композициясини ишлашда ҳар хил композиция қурилмасидан фойдаланиш мумкин. Яъни ҳаракатли, турғунли, фронтал, фрагментли, кўп планли, чуқур-фазовийли каби усуллардан фойдаланиш ғоя ва мазмунга боғлиқ. Шунингдек, композиция формат (ўлчам)и ҳам катта рол ўйнайди; квадрат, доира, овал, горизонтал тўртбурчакли, вертикал тўртбурчакли бўлиши композиция қурилмасига қараб танланади.

Композиция воситалари. Бадий рангтасвир композицияси воситалари: чизиқлар, суртма, доғ (тусли ва рангли), чизиқли перспектива, нурсоя, ранг, ҳавоий ва ранг перспективасидир.

Доғ (мазок), (тусли ва рангли). Битта текисликда иккита бир хил шакл ранги суртма (доғ) текисликда бўлмаслиги керак. Рангли доғ шаклни аниқлаб, шакл фактурасини тасвирлашга ёрдам беради.

Нурсоя. (светотень). Шакл ва қиёфада олти қисмдан иборат тус мавжуд: шахсий соя, яримсоя, соя, рефлекс, блик, шакллардан тушган соя. Анашундан фойдаланиб шаклни ҳаққоний реал тасвирини, яъни уч ўлчамда ҳосил қилишга асосланади.

Тус. Умумий ва алоҳида фарқлари мавжуд бўлиб, умумий бир шаклни иккинчи шаклдан тус, ранг жиҳатдан оқимтир ёки қорамтирлигини аниқлаш, маҳаллий шаклнинг қисмларини ёритилиш даражасини белгилаш учун хизмат қилади.

Ранг. Чизиқли, ҳавоий ва ранг перспективалари. Рангтасвир текислигида ҳар хил чуқурлик яъни, уч ўлчамлилик тасвирини яратиш Уйғониш даврида геометрик система асосида «перспектива» (чизиқли перспектива)ни кашф қилинди.

Рангтасвир мато текислигида ҳаётий муҳитни ҳаққоний тасвирлаш воситаларидан бири перспективадир. Реалистик композицияда тасвирни перспективасиз амалга ошириш қийин. Рассомлар аллақачон картина текислигида чуқурлик (кенглик) тасвирини ҳосил қилиш вазифасини бажарадилар. Перспектива воситасида шаклларни, воқеаларни маконда жойлаб картина чуқурлигини реал кўринишини ҳосил қиладилар. Картина композициясининг перспектива қурилишида кўриш нуқтаси, горизонт чизиғи муҳим аҳамиятга эга.

Бадиий рангтасвирда этюд. Бадиий рангтасвир ишлашда натурадан этюд ишлаш машқи муҳим ҳисобланади. Рангтасвир таълимининг дастлабки босқичларида ёш рассомлар натурадан майда-чуйда хусусиятларигача нусха олишга интилади. Натижада бир-бирига боғланмаган тасвир ҳосил бўлади. Хусусан, инсон бошини қош, кўз, бурун тасвиридан бошламаслик керак, балки умумийлик ва бутунликни мутаносибликда тасвирлаш лозим.



1 - расм. Пленэрда этюдлар.

Очик хавода (пленэрда) рангтасвир бажаришга ўтишда кичик этюдлар ишланади ва энг аввало ундаги ранг муносабатлари топилади. Кичик этюдларда қисмларнинг тарқоқлиги йўқотилади, негаки рассом натурани айнан кўчирмайди. Дастлаб этюдлар учун унча мураккаб бўлмаган кўринишлар олинади, сўнгра тобора мураккаблаштириб борилади.

Қисқа муддатли этюдларни бажаришда турли мақсадлар кўзланиши мумкин. Биринчи ҳолатда этюд узоқ муддатли тасвирлашдан аввал бажарилади ва натуранинг ранг муносабатлари ўрганилади, ранг ҳақидаги дастлабки тасаввур шаклланади. Бошқасида шаклни кўшимча, аниқ ўрганиш (масалан, инсон қўли этюди) учун бажарилади. (1 - расм).

Ранг тузилиши якдиллиги мувофиқлигини белгилаш учун ҳам этюд ишлаш муҳимдир. Бу мақсадлар учун қандайдир ранг устунлик қилиши керак. Этюдлар учун ашёлар илиқ ва совуқ ранглар мувофиқлигида бажарилиши лозим.

Доимий машқ қилиб бориш охир оқибатда кузатувчанлик, рангни кўрабилиш, тасвир воситаларини маҳорат билан қўллашга олиб келади. Натуранинг ҳар бир шакли бу яхлит рангтасвир асар қисмидир, унинг ранг жилоси, колорити умумий идроки ва тасвирида вужудга келади.

1.2. Композиция воситалари ва турлари

Композиция турлари фазони кўрсатишдаги алоҳида аҳамиятли томонлари билан ажратилади. Улар ўзаро бир бирига боғлиқ ҳолда бўлсада уч турга бўлинадилар: а) фронтал, б)ҳажмли, в) чуқур - фазовий композиция.

Масалан, кенг-фазовий композицияга (театр фойесининг интерьери) ҳажмли (хайкалтарошлик тасвирлари ва бошқа ҳажмли буюмлар) ва фронтал (картина, панно, витр Композиция воситаларига чизик, штрих, доғ (пятно - тусли ва рангли), чизикли перспектива, ёруғ-соя, ҳаво ва ранг перспективаси киритилади.

Чизиклардан давомли қаламтасвир, қисқа муддатли ҳомаки расмлар, композиция эскизларида фойдаланилади. Рейсфедр билан юргазилган чизик ўз йўналиши бўйича йўғонлиги бир хил, лекин бу чизма чизиғи бадиий мақсадлар учун ярамайди, у бир хилликда, ноҳаётий, ноифодавийдир. Ижод эса бир хилликни ёқтирмайди, ижод учун оригиналлик, бетакрорлик керак.

Контурли чизик предметнинг шаклини чегаралайди, шундай бўлсада текисликда фақат чизик берилган бўлса, шундай уни ўраб олган текислик фонга нисбатан тасаввур пайдо бўладики, контур ичида тасвирланган предметнинг туси тўқ ёки оч бўлиб кўринади. Шундай иллюзия ҳосил бўладики, натижада предметнинг ёруғ фондаги силуэти, ўзини борлиғига нисбатан доғ бўлиб тўқроқ кўринади. Бундан ташқари чизикли тасвир предметнинг ҳажмини берадиган тасаввур бериш мумкин. Бундай ҳолат шунинг учун бўладики, биринчидан чизик шаклини нисбатлар ва перспектива бўйича қуради, иккинчидан чизик ўзининг йўғонлиги бўйича ҳам ўзгариб боради ва шунингдек жарангдорлиги, кучи билан ҳам, хатто тугатилмаган, лекин бирваракайига бир неча функцияларни бажаради: шаклини чегаралайди, тасвирни тўғри жойлаштиради, барча шаклларнинг характери ва ҳамма ҳаракатларини, унинг нисбатларини ва чегараланаётгандаги эгилувчанлиги, давомийлиги ва шаклнинг пластик сифатини юзага чиқишини таъминлайди (расм 22-а).

Штрих чизиклар узун, қисқа, чизувчининг ҳоҳишига кўра йўғон, секин-аста ингичкаликка ва сўнг аранг кўринувчи изларга айланиб бориши мумкин. Штрих чизикнинг динамик, пластик жихатларини онгли қўллаш билан кенг бадий ижодий ва техник имкониятларга эга бўлиш мумкин. Улар тасвирнинг ҳажмли - фазовий сифатларни бера олишга эгадир. Турли-туман йўғонликдаги штрих чизиклар ҳажмли шаклнинг ёруғ ва сояли қисмларида фазовий чуқурликларни берилишига олиб келади (расм 22-б).

Кўплаб параллел ёки кесишувчи штрихли чизиклар талаб этилган кучдаги штрих тусли доғлар ҳосил қилади.

Доғлар - тусли ва рангли бўлиши мумкин, у хомаки расмларда, кораламаларда, шунингдек композиция эскизлари устида ишлаганда ҳам катта аҳамият касб этади. Тусли доғни қўллашнинг зарурлиги график восита сифатида композициянинг қуйидаги вазифаларини очиб беришда кўринади: шаклнинг ҳажмлилигини чизиш ва ҳосил қилиш учун, унинг ёритилганлигини бериш учун, шаклни бўяшда тус кучини кўрсатиш учун, фактура ва унинг юзасини фазовий чуқурлигини кўрсатиш учун, теvarак-атрофнинг ҳажмли шаклини бериш учун ва ҳаказо.

Ёруғ-соя композициянинг воситаси сифатида предметнинг ҳажмини тасвирлашда қўлланилади. Ҳажмли шаклнинг рельефлик даражаси асарнинг конструктив ғоясини ифодалаш учун алоқадор бўлган ёритилганлик билан боғлиқ. Шунингдек, тасвирланувчининг ёритилганлик даражаси рангли ва тусли контрастлар характери учун, мувозанат учун қисмларни ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ҳажмли пластик асарларда зарурий рол - ҳаво ва ранг перспективаси қонунлари таъсирларига ҳам боғлиқ. Хатто оддий тасвирий савод ҳам реал оламда ўз ўрнини эгаллаган предметларнинг тасвирлашда перспектива қисқаришларини ҳисобга олишни талаб этади. Бу нарса эса фазовий планларнинг чуқурлиги сари хар бир предметнинг баландлиги, эни ва узунлигини қисқариб боришини билдиради.

Композицияда фазонинг иллюзиясини бериш учун ҳаво ва ранг перспективаси қонуниятларини ҳам ёдда тутиш зарур. Ҳаво перспективасининг асл моҳияти шундаки, турли контрастларнинг (ёруғ-соя, ранглилик, ўлчам) тасвирланганлиги бизга яқин бўлган объектларда анчайин кучли, лекин предметларнинг узоқлашгани сари юза қисмидаги соя ва ёруғ контрастлари кучсизлашиб боришида кўринади.

Ҳаво перспективасининг таъсир кучи тиниқлик, атмосфера ҳаво қатламининг тозаллиги ва қалинлиги ҳамда кўриниб турган предметлар олами билан боғлиқ. Объектнинг секин-аста биринчи пландан узоқлашиб бориши билан унинг ранг ёрқинлиги ва ранги хиралашиб совуқлашиб боради.

Масалан, ўрмон биринчи планда яшил, узоқда кўк-яшил ёки хатто зангори бўлиб кўринади.

Шу ўринда Ў.Тансиқбоевнинг «Менинг кўшигим», Н.Караханнинг «Олтин куз» номли манзараларининг мисол тариқасида кўрсатамиз (23-24-расмлар).

Бу ерда биз композициянинг асосий воситалари ҳақидагина қисқа тўхталиб ўтдик, ваҳоланки, тасвирий санъат тарихида реал борлиқни бадиий образларда акс эттиришнинг кўплаб усуллари маълум. Биз бу ўринда, ёш бошловчи рассомларга композиция устида самарали ишлашда ёрдам берувчи асосларини айтиш билан кифояландик.

Назорат саажлар, стендлар ва хоказо) композициялар киритилиши мумкин. Ёки ҳажмли композиция ўз навбатида фронтал, текис юзавий элементлардан тузилиши ҳам мумкин. Фронтал композиция эса фазовийликни чуқур кўрсатиши мумкин. Баъзан фазони юқори даражада иллюзион ҳолатда ҳам кўрсатилади. Бунга мисол қилиб, текис юзадаги фазовийлик тасвирланган театр декорацияларини мисол келтириш мумкин, қайсики, бунда гўё сахнадаги реал борлиқ давом эттирилади. У чуқур фазовий композицияни намоён этади.

Фронтал композиция шу билан характерланадики, у абсолют текис шаклда бўлади, лекин чуқурлик эса иллюзион ҳолда барча тур ва жанрлардаги картина текислиги ёки текис юза кичик ёки катта барельеф билан (барельефлар, горельефлар, унча чуқур бўлмаган бино фасадлари ва х.) кўрсатилди. Шундан келиб чиқадики, фронтал композиция асосан икки ўлчамлилиги билан характерланади, баъзан кичик, энсиз чуқурликка эга бўлиши ҳам мумкин (25-расм).

Ҳажмли композиция ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, ҳажмли, ўз ўлчамига эга бўлади, уч асосий координатаси бор (баландлик, кенглик ва чуқурлик) ва барча томондан ҳам кўринувчи хусусиятига эгадир (26-расм). Бунда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, бу билан ҳар уч ўлчамдан бирортаси ҳам минимал, кичиклиштирилмайди, ҳажмли текисликка айланмайди.

Ҳажмли композицияга ҳам тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларига нисбатан қўлланилган барча умумий қонуниятлар қўлланилади. Шу билан бирга ҳажмли композицияда ўзига хос специфик қонуниятлар мавжуд, улар фақат ўзигагина хос бўлиб, тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларида амал қилинади.

Кенг-фазовий композицияда турли материалли предметлардан (хайкал, мебель, стенд, ҳажмлар ва юзалардан), фазо (интерьер, очик фазо) ва улар орасидаги интервалардан фойдаланилади (27-расм).

Кенг-фазовий композициядан маъмурий ва турар жойларни тўлик жиҳозлаш ва безатишда қўлланилади, хусусан, яшаш хонаси, кинотеатр фойеси, кўргазма зали, театр сахнаси, меъморлик ансамбли ва бошқалар. Кенг-фазовий композицияда ҳам худди фронтал, хажмли композициялар каби композициянинг ҳаракатдаги умумий - объектив қонуниятларидан фойдаланилади. Жумладан симметрия ва асимметрия, ритм, яхлитлик, мазмунли композицион марказни намоён бўлиши ва бошқалар.

Кенг-фазовий композициянинг ҳам ўз специфик қонуниятла-ри, жойлаштириш ва қуришнинг усул ва услублари мавжуд.

Қораламалар ишлаш. Ҳар бир ёш рассом ижодида қайси услубда ишламасин хомаки чизма муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун чизматасвир ва рангтасвир бўйича ўзоқ муддатли постановкаларни ишлашда етакчи аҳамиятини таъкидлаб, шу пайтнинг ўзида хомаки чизмага жиддий эътибор бериш ҳам зарур. Рассом ижодида хомаки чизманинг қўлланилиши турли хилда кўринади. Ўқув хусусиятидаги хомаки чизмадан тортиб юқори бадий аҳамиятга эга бўлган ижодий хомаки чизмаларгача бўлган тасвирлар назарда тутилади. Баъзан хомаки қоралама олий даражадаги чизматасвир намунаси бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Бадий таълим муассасаларида хомаки чизма билан шуғулланилади, негаки бу юмушни рангтасвирчи, графикачи, ҳайкалтарош, архитектор ва безакчи каби соҳа вакиллари ҳам



2 а, б - расм. Қораламалар.

билишлари лозим. Дастур кўрсатмасига биноан хомаки чизма устида ишлаш устахонада, ижодхонада ва машғулотлардан бўш пайтда мустақил равишда олиб борилиши зарур. Талабада кучли кўзатувчанлик хислатини, шаклни пластик хусусиятини, қисмлар мутаносиблигини ва ҳаракатини тез илғаб олиш жиҳатини ўстириш хомаки чизма машқларининг асосий мақсади ҳисобланади. Хомаки чизма талабада кўзчаманинг ўткирлигини, аниқлигини,

кўл техникасини ва кўриш орқали ёдда сақлаб қолиш жиҳатларини ўстиради.
(2 а, б - расм).

Қораламалар учун ҳар хил шакллар, ҳам либосли, ҳам либоссиз




2 г, д - расм. Фешин. Қораламалар.

коматлар хизмат қилиши мумкин. Талабаларда номақул таъб уйғотувчи ва воқелик ҳақида нотўғри тасаввур берувчи сунъий ҳолатлардан асраш керак.

Қораламалар учун постановкалар муддати берилган топшириқнинг мураккаблигига қараб белгиланади ва ўн беш минутдан икки соатга қадар муддатда бажарилиши мумкин. Энг муҳими ҳар бир постановка ўз вазифасига кўра мақсадга йўналтирилган ва аниқ бўлиши лозим. Хомаки чизмалар бўйича машғулотлар режаси ўқитувчи томонидан аввалдан режалаштирилиши зарур. Хомаки чизмалар катта ижодкорликни ва эътиборни талаб қилувчи жонли машғулот ҳисобланади. У ёки бу талабага алоҳида вазифа ҳам берилиши

мумкин. Ҳар бир талабага алоҳида ёндашув чизматасвирни эгаллашдаги хатоларни ўз вақтида тузатиш имконини беради.

Қораламани бошлашдан аввал бир неча вақт натурани ўрганиш, кузатиш лозим. Ишда нимани тасвирлаш зарурлигини аниқ идрок этиб борилади. Хомаки чизманинг кейинги босқичи ҳаракат, мутаносиблик ва хусусиятни белгилаш билан боғлиқ. Андозанинг турли ҳислатларини бирданига илғаб олиш учун диққат-эътиборни, идрок этиш тезлигини, кўз чамалаш ва қўл



2 е, ж, 3 - расм. Қораламалар. Акварель.

ҳаракатини кучайтириш талаб этилади. Бу сифатларни талабада хомаки чизма устида доимий ишлаш орқалигина вужудга келтириш мумкин. Қоралама билинар-билинамас энгил чизиқлар орқали бажарилиши ва фақат ҳаракат, ҳамда шакл талаб қилгандагина турли қалинлик ва тус бериб уни кучайтириш лозим. Умуман, хомаки чизма бирдан бошланиши лозим, бу билан у ўзок муддатли чизматасвирдан фарқ қилади. Қўйилган мақсад ҳал этилгандагина хомаки чизма тугалланган ҳисобланади. Вазифага кўра қоралама ашёси танлаб олинади. (2 е, ж, 3 – расм).

Перо, тушь, қалам аниқликни талаб қилади ва ҳар бир чизиқ учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Сангина, кўмир, соус, акварель каби ашёлар рангтасвир соҳасидаги хомаки чизмалар чизишга мос ҳисобланади. Бундай ҳар бир ашёнинг ўрганилиши лозим бўлган ўз имкониятлари бор. Талаба қоғоз сифатини аниқлашга ўрганиши ва унга тегишли чизгич ашёсини танлаши зарур бўлади. Ашёларга нисбатан мутахассисларча муносабатда бўлишни ўстирилади.

Агар устахонада бажарилган қораламалар орқали тез ишлаш маҳорати, қобилияти ҳосил бўлса, уй шароитида бажарилган қораламалар билан талабанинг ашёга муносабати, шаклни кўра олиш қобилияти вужудга келади,


у рассом сифатида шаклланади. Бу сифатлар лаҳзалик тасвирлар учун объект танлашда, уни калбан идрок этишда кўринади.

Фақат доимий ва узлуксиз машқ қилиш билангина тез хомаки чизма чизиш маҳоратини ўстириш мумкин. Қоралама узоқ танаффус билан, баъзи-баъзида чизиб туриш кутилган натижани бермайди.

Рус рассомлари И.Репин, Н.Серов кабилар доимий хомаки чизма устида ишлаганлар ва шунинг учун ҳам маҳоратли рассом бўлиб етишганлар.

1.3. Композицияда текислик ва кўп планлик қурилмаси, шакл ва ранг уйғунлиги.

Перспектива. Текислик юзида уч ўлчамли ҳар қандай тасвирни бажариш ҳозирда **перспектива** деб атайдилар. Текислик бўшлиғида перспектива қурилиши кўпинча архитектура лойиҳаларида ишлатилган. Перспектива бир нуқтадан туриб қараганимизда ҳосил бўлган бинолар чизиқли перспективасини тушинсак, бундан ташқари ҳавоий перспектива, ранг перспективаси, картинада эса муҳит перспективаси ҳам мавжуд. (3 а - расм).



3 а - расм. Картинада перспектива.

Бадий образ ифодалилиги натуранинг ифодалилиги билан аниқланади. Шунинг учун талаба натуранинг маънолигини, ҳаракат ҳолатининг характерли томонларини илғаб олишни, унинг образини топишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар бир буюм ёки шакл қайсидир томонидан кўпроқ характерли хусусиятга эга. Горизонт чизиғини ва кўриш нуқтасини танлашда чапдан ёки ўнгдан, яқин ёки узоқдан қараб натурани ифодали, характерли томонидан тасвирлашга ҳаракат қилинади. Қараш бурчаги ва қараш нуқтаси картина композицияси тузилишида муҳим элемент ҳисобланади. Масалан: манзарада одам тасвирини жойлаштиришда уни олдинги планларда тасвирлашда коматни йўқолиб кетишидан сақлайди. Ўта олдинги планга чиқариб юбориш ҳам нотўғри бўлиши мумкин. Шунинг учун кўриш нуқтасини танлашда композициядаги одамлар гуруҳи ва табиат бўшлиғига мутаносиб бўлиши керак.

Ҳар қандай композицияда сюжет ўз кўриш нуқтасига эга бўлиши зарур. Горизонт чизиғи кўриш баландлигида бўлса, картина хотиржамлик

таассуротини қолдиради. Баланд горизонт чизиги картинада кўпроқ, кенг табиатни кўрсатиб буюклик, кўп планлиликини ҳосил қилади.

Бадиий рангтаъсвир санъатида перспектива ёрдамида ҳаққоний ҳаётни тасвирлашда ранг ва ҳавоий перспектива ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кузатувлардан биламизки шакллар биздан узоқлашган сари қора рангдагилар оқаради, оқ рангдагилар эса қораяди. Баъзи ранглар ҳаво таъсири остида кўкимтир (кулранг) тусга айланади ва ҳар қандай ранг ўз кучини йўқота бошлайди.

Композицияда текислик ва фазо. Композицияда воқеа картинаси бу-ҳар хил ранг бўёқ доғли чегараланган текислик бўлакчасидир. Ранг доғлари орқали текислик юзасидаги шакллар, унинг пластикаси, бўшлиқ, вақт ва ҳаракатдаги картина тасвири қурилмасидир. Тасвир (картина) – бу ҳақиқий текислик ва у ҳам бошқа ҳақиқатнинг образи. Картина текислигидаги ҳақиқат тасвири рассом томонидан амалга оширилган образ ҳисобланади. Картина композицияси-бу текислик юзасидаги ранг доғлари ва чизиклар ёрдамида ҳосил қилинган шакллар гуруҳи, ҳаракат ва сюжет тасвир қурилмасидир. Композиция талабларидан бири картинада макон қурилмаси муҳим ҳисобланади. Бу-руҳий ва жисмоний кучнинг текисликдаги қурашуви, учрашуви ва текисликда шаклларга, қиёфаларга тор ёки кенг, унғай ёки қурук бўшлиқдир. Унда ҳаётини образини кўришимиз мумкин. Шундай қилиб картина текислигида рассом томонидан яратилган воқеа образ қурилмасини англашимиз, ҳис қилишимиз, унинг ичига кириб ҳамдард бўлишимиз мумкин. Бу ҳолат ҳақиқий текисликдаги воқеавий ҳақиқат қурилмасидир. Макон тасвири шакл тасвирига боғлиқ. Тасвирда макон ва фазовий муҳитни ҳосил қилишда шакл қурилмаси, унинг жойлашуви характерига боғлиқ.

Рафаэлнинг “Афина мактаби” деворий расмида текисликдаги макон тасвирини уч улчамда ҳақиқий маконни, фазони кўрашимиз. Кучли тасвир маҳоратидан ва макондаги тасвирдан баҳраманд бўламиз. (40–расм).

Фазовий қурилма текислик бўшлиғида воқеа ҳаракатлари ва шаклларнинг образли тасвири учун хизмат қилади. Унда ҳаракатлар ривожланиб, картина чуқурлигини ҳосил қилади. Агар воқеа тасвири фақат фронтал текисликда бўлса, унинг таъсирчанлик кучи бироз заифлашади.

Картина чуқурлигида фазовий қурилма бир неча бўлақларга; 1) қатлам



4 - расм. Рафаэл. Афина мактаби.

бўлақларига ва 2) план бўлақларига бўлинади. Фазо (макон) қатламларини планларга бўлиш, шакллар ва одам қоматларини пастда ва юқорида жойлашувига қараб белгиланади. Бу ҳолатда жойлаштириш конструктив аълоқа, ғоявий боғлиқликни сақлаши зарур.

Европа тавирий санъатида Уйғониш давридан бошлаб картина бўшлиғини планларга бўлиш ҳукмронлик қилиб келган. План-бу горизонтал текисликда, ерда қурилган тасвир бўлақлари. У фронтал қурилиш билан яқунланади. Агар бу фронтал гуруҳи ҳаракат қурилмасини ташкил қилувчи бўлса, пландаги қурилмалар ўзига тегишли рангларда ва тусларда тасвирланади. Чуқурлик қадам (план)лари орасидаги боғловчи шакллар орқали амалга оширилади.

Джотто асарларидаги бир планли композициясида воқеалар томошабин олдида биринчи планда жойлаштирилган¹. Қоматлар ритми, симметрияси енгил ўқилади. Бир планли ҳаракат қурилмаси аниқлик ва силуэтлар таъсирчанлигини талаб қилади. А. Ивановнинг “Христоснинг халққа кўриниши” дастгоҳли рангтасвир картинасида эса биринчи план алоҳида ажратилмаган. Иккинчи планда бош ҳаракат персонажлари жойлаштирилиб,

¹ UMENI SVETA. ROMANSKE A GOTICKE UMENI. Artia. 1973.

Иоаннанинг қўл ҳаракти Христосга қаратилган. Бу картина чуқурлигини ташкил қилувчи диоганал қурилма. Учинчи планда ғира-шира кўринаётган шаҳар ва тоғ кўрсатилган. Христос қомати бош планга таълуқли бўлиб, узоқдаги планлар билан боғланиб ҳаракат алоқасини яқунлайди. Планлар ҳақида гапирганда манзара композициясида фазовий тузилиши ўзгача. Шаклсиз манзараларда (масалан; денгиз, ўтлоқлар, ўрмонлар) ранг орқали картина чуқурлиги ҳосил қилинганлигини кўрамыз. А. Куинджининг “Қайинзор”, Клод Маненинг “Қизғалдоқли дала” картиналари бунга мисолдир. (4 - расмга қаранг).

Назорат топшириқлари

1. Рангтасвир ва маҳобатли рангтасвирни тушунтириб беринг.
2. Текислик ва фазо, фазовий муҳит ҳақида сўзланг.
3. Қораланма нима, бадиий яхлитлик-чи?

2-мавзу: Рангтасвир асарларидаги композицион ечими ва қоидалари. Тасвирий санъатда нур-соя хусусиятлари.

Режа:

- 2.1. Рангтасвир асарларидаги композицион ечим ва қоидалар, нур ва соя хусусиятлари.
- 2.2. Миллий рангтасвирда анъанавийлик. Мавзуни ёритишда шакл ва қиёфалар характери.
- 2.3. Рангтасвир композициясида мавзу таҳлили ва ғоявийлик.

Таянч сўз ва иборалар

Ритм ва унинг турлари, нур-соя, портрет, тасвирий санъат, элементлар, симметрия, ассиметрия, иккинчи план, композицион яхлитлик.

2.1. Рангтасвир асарларидаги композицион ечим ва қоидалар, нур ва соя хусусиятлари

Мавзули рангтасвир энг аввало, тасвирий санъатнинг маиший, тарихий, батал (ҳарбий) ва мифологик жанрлари билан боғланади. Бундай картиналарни «жанрли композиция» деб ҳам юритилади. Жанрли картина композицияси ғоявий фикр билан тасвирланади. Ҳар қандай «саводли» жойлаштиришга эга картина ҳам, бирор ғояни чуқур ҳал этмаса, у санъат асари бўла олмайди.

Композиция устида ишлашнинг барча жараёнлари бу ғоявий фикрни бойитиш, ҳар томонлама қайта-қайта ишлаш ва реализация қилиш жараёни ҳисобланади.

Машҳур рассомларнинг айтишича инсонни тўлқинлан-тирадиган ва тинчлик бермайдиган қандайдир бир ғоя туғилгандагина дархол эскиз қилинади.

Композиция устида ишлаганда сохта вазифалардан келиб чиқмаслик ва картинани қандайдир бир мазмуний геометрик схемалар асосида қуриш керак. Бунда фигураларни диоганал, айлана, учбурчак асосида қуриш ва ҳоказоларни назарда тутилмоқда. Токи қизиқарли мавзунини топмасдан туриб, композиция билан шуғулланиш ярамайди.

Мавзу деганда рассом ўйлаган, ўзининг яратилажак асарида ифодаламоқчи бўлган ҳиссиёт ва фикрлар, ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Мавзу албатта чуқур билим доирасида. ҳаётини воқеалар ва тажриба асосида туғилиши керак, мавзу «долзарблик»ни рўқач қилиб, мажбурий ва сохта, нотабий ҳолда танланмайди. Агарки, рассом одамларга айтиладиган ички янгилик, қандайдир воқеанинг зарур ва аҳамиятли томонини кўрсатмаса ва ўз қобилиятига қараб мавзуга киришмаса, у асар яратилмайди. Композицияда «ғоя» ва «мавзу» тушунчаси баъзан аниқ ҳолда ёритилмаслиги ҳам мумкин.

Агарки, мавзу топилиб ва рассом унга қизиққан бўлса, тарихий, хужжатли, портрет ёки манзара материалларини ўрганиш учун астойдил иш бошланади. Бундай материалларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш билангина ижодий тасаввурда картина мазмуни яққолроқ намоён бўлади.

Тасвир ғояси, мавҳум кўринишдаги чизиқлар, шакл ва бўёқларда эмас, балки жонли, конкрет образларда ифодаланади. Картинада персонажларнинг гавда ҳолати, туриши, уларнинг руҳий ҳолати мотивлаштирилган ҳолдагина тасвир мазмунини жонлантиради ва бадиий образга айлантиради. Ҳар бир реалистик асарнинг зарурий асоси мазмунли воқеани топиш билан белгиланади. Мазмунни эса, ҳаракатдаги одамлар сони, уларнинг жойлашиши, гавданинг ўлчами, кўриш нуқтасини танлаш ва бошқа шу каби белгилайди.

Бир мавзунинг ўзи турли хил мазмунда ёритилиши мумкин. Масалан, урушга қарши мавзуларда гарчи барчасининг мазмуни, воқеаси ҳар хил бўлсада бир нечалаб машҳур картиналар яратилган.

Рассом учун мазмун дарровгина топилмайди, балки ўйланган мавзунини чуқур ва тўлиқ очиб бериш имконини берувчи композицион ечим изланилади, токи, унинг қўнғилдагидек аниқ, тушунарли ифода топилмагунча жуда кўплаб қораламалар қилинишига тўғри келади. Мазмун топиб олингач эса, шу заҳотиёқ композиция эскизи устида тинимсиз, заҳматли иш бошлаб

юборилади. Биринчи эскизлар кичик ўлчамда бўлгани маъқул. Асосий композицион қурилишларни жойлаштириб олиш енгилроқ бўлиши мақсадида шундай формат танланади.

Эскиз - бу картина лойиҳаси, картина устида ишлашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Эскизда қоғоз ёки холстнинг формати, тасвири ўлчами, кўриш нуқтаси, горизонт баландлиги аниқлаб олинади. Эскизнинг турли вариантларида ечимнинг энг мақбул, тушунарли ифодасига эришиш лозим, объектлар предметларни ишонарли жойлаштириш, фигураларни гуруҳлаштириш, ғоявий марказни топиш, томошабинни асосий эътиборини тортадиган бўлиши лозим. Ҳар бир фигура ёки детал ўзини умумий ғояси ичида алоҳида аҳамиятли ўрнини топиши ва барча вазият мавзунини очиқ бериш учун хизмат қилиши керак.

Тасвирий санъатда театр ёки адабиётдан фарқли ўлароқ фақат бир момент, ёки бир зумлик он тасвирланади. Ҳаракат концентрацияси ягона тасвирий моментдаги композициянинг қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, образли ечимнинг кучи вақтнинг маълум бир нарсасини идрок этиш билан боғлиқ бўлади. Картина композицияси шундай тузилиши керакки, томошабин ундаги воқеанинг давомийлигини ва бу сахнада нима воқеа бўлиб ўтганини ва нима бўлишини ҳис қилсин. Мана шу ҳолдагина картинада ҳаёт ҳаракати берилади, у қуруқ ва жонсиз, ҳаракатсиз бўлиб қолмайди.

Эскизда композицион ечим ҳал этилгач, (персонажларнинг ҳаракати ва ҳолати, уларнинг психологик характеристикаси, кийиниши, вазияти, ва бошқ.) картина учун **эюд бажаришга** ўтилади. Бу ишни яхшироқ бажариш учун, картина ҳолатини ёритиш мақсадида алоҳида бир типаж топиш зарур бўлади. Қоралама ва этюдларни албатта картина воқеаси тасвирланишига мос ҳолдадаги вазият ва ёритилганлик шароитида бажарилиши шарт.

Масалан, М.Е.Репин 1878 йилнинг ёзида биринчи марта «запорожьелик казакларнинг турк султонининг асир бўлишга ундовчи хатига жавоб»и билан танишиб қолади. Казакларнинг бу жавобидан расом каттиқ хайратга тушади. Уни эркин, ҳеч қачон ҳеч ким томонидан забт этиб бўлмаган Запорожье Сечи юртининг қахрамонона руҳияти қоплайди. Ва у картина ёзиш иштиёқи билан ёниб юради. Биринчи марта Абрамцевада картина мазмунини қораламасини қилади. Унда эркин, қулишаётган казаклар образи кўрсатилади. Сўнг бироз вақт ўтгач биринчи рангтасвир эскизини чизади. Барча сахнани расом томошабинга яқинлаштиради, асосан казакларнинг юз ифодаси ва ҳаракатларига, уларнинг характерли қиёфаларига эътиборни тортади. Орқа планда куёш ёғдусида ялтираб турган Днепр дарёсини тасвирлайди. Воқеа вақти мажор, тасвирланаётган воқеага мос ҳаётий-қувончли, тантанали ифодасини топган.

Бу эскиз фақат ижодий ишнинг бошланиши эди. Репин тарихни, даврни, теварак-атроф муҳитни чуқур ўрганмасдан туриб ишни давом эттиришни тасаввур ҳам қила олмасди. Шу боис, шогирди ёш В.Серов билан 1880 йили Украинага Запорожье Сечи жойлашган ерга келади.

Репинни казакларнинг характерли типлари қизиқтирарди. Украин манзараси ва асосан украин миллий характери белгилари: табиий онги, жасурлик, ўзига ишонч, ва юмор. Репин деярли барча Запорожье черковларига борди, уларни ички кўриниши ва буюм-анжомларини чизди, шунингдек, казакларнинг байроқлари, милтик, қиличлари, кийинишидаги ҳарбий фарқли белгиларини ўрганиб чиқди. Хомаки расмлар билан бир неча альбомларни тўлғазади ва шундан кейингина навбатдаги ишга киришади.

Репин биринчи вариантыдаги рангтасвир эскиздан фарқли ҳолда холстнинг форматини катталаштиради. Воқеада қатнашувчи шахслар сонини кўпайтиради ва айрим фигураларни бутунлай олиб ташлайди. Казакларни бутун галаси билан яхлит биров орқароққа олади ва картинани мазмунли маиший кўринишда эмас, балки қаҳрамонона мазмундаги тарихий картина сифатида кўрсатишга уринади (63-расм).

Картина устида ишлаш жараёнида Репин ўзининг қаҳрамонлари портрет-характеристикасидаги камчиликларни сезиб қолади ва 1888 йили Запорожье казакларининг авлодлари яшаётган Кубанга боради. Қария казакларнинг юзидаги чуқур ажин ва тиртиқларида у энг аввало донолик, бой ҳаётий тажрибаларни ва қаҳрамонона ҳаракатлар қила олувчи ҳалқ тимсолини кўради. Масалан, оддийгина, кичик бир станцияда яшовчи Василий Олешкода у, доно ва жасур запорожьеликлар атамани Иван Серконинг характерловчи белгиларини кўради ва ўз ўрнида картинага киритади ва кўплаб натурадан қилинган этюдларни дўстлари таниш-билишлари ичидан ўзига керак бўлган образлари учун қиёфаларини топиб тасвирлади ва 1891 йили картинани тугаллади.

В.И.Суриков бежиз айтмаган: «Мен аввало қадимий устозларнинг картиналаридаги композицияда ҳамма нарсани кузатдим, шундан сўнг уни кўришга ўргандим».

К.Бехзоднинг «Эски мачит қурилиши» асари ҳам мавзули композициядир.

Бадий рангтасвирда колорит композициянинг бошқа элементлари каби ғоя билан чамбарчас боғланиб томошабинга мазмунни равшан идрок қилишга нурсоя ҳам катта ёрдам беради. Завқли ва равшан колоритни очик ранглар билан тузиб бўлмайди. Томошабинда ҳаёт ҳақиқати, табиий ранглар гаммаси, табиат ҳолати колоритини акс эттирувчи фикр ва ҳис-туйғуни бойитади.

Куёш чиқиши ёки ботиши, кундузи ёки ойдин кеча манзараси, туман ёки ёмғирли кун томошабинда ҳар хил кечинмаларни туғдиради. Табиатда ҳар хил колорит ҳолати қувончли дақиқалар билан, ёки сирли нотинчлик билан боғлиқ. Чарақлаган куёшли куни яшил далалар ва ўрмонлар тасвирланган картина албатта қувончли руҳ бағишлайди.

Кулранг булут билан қопланган осмонни кузатишлар орқали картинада рассом ифодали ўйчанлик колорит ҳосил қилиши мумкин.

Рассомларнинг асарларини кузатар эканмиз тасвирда табиатнинг ёритилиш ҳолати ғоя билан боғланиб, картина колоритида акс этганини кўрамыз.

И.Левитаннинг «Ёз оқшоми» манзарасида диққатга сазовар объект бўлмасада, биринчи планда дарвоза, дала йўлакчаси ва узокдаги ўрмон тасвирланиб оқшомнинг гўзал колоритини ҳосил қилган. Оқшомнинг ҳаққоний манзара ҳолати картинани гўзал, шоирона тасвиридир. Бу гўзаллик томошабиннинг қалбини тўлқинлантириб, қачондир кўрган нарсаларини яна бир бор қалбидан ўтказишга ундайди. Шунга ўхшаш кўпгина картиналарни айтиш мумкинки, бунда колорит асар мазмунини ифодалайди.

Воқеликни картинада табиий ранг колоритида акс эттирилмаса, асар мазмуни тўла очиб берилмайди, унда ҳаётийлик бўлмайди. Картинада тусни ёки ранг кучини озгина ўзгартирилиши картина руҳини ва мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. Ранг тузилишида табиий яхлитликни оз бўлсада ўзгариши рангтасвир асарини бўшлиқ планларини нотабиийликка олиб келади. Чеҳра ва кийим ранглари хом ва хунук рангда кўриниб томошабинни бефарқ қилади.

Бадиий рангтасвир санъатида колорит-бу рассомнинг табиатдаги бор ранглар тусини билиши, ўрганиши натижасидир.

Табиатда ҳамма нарсалар ранги умумий ёритилиш натижасида бир-бири билан рефлекс ва ўзаро ранглар контрасти узвий боғланган. Рассом ҳамма жойда ранглар гармониясини ва «хунук» ва «қарама-қарши» ранглар тусини билиши, уларни бир-бири билан боғлай олиши керак.

Картинада ранг ва нурсоя - бу шакл тасвири, материали, атроф-муҳит, ёритилиш ҳолатини тасвирлаш воситаларидан ташқари композиция тузилиши элементи ҳамдир. Рассом ранг ва ёруғлик ёрдамида томошабинни идрок қилишини ташкиллаштиради, унинг диққатини композициядаги бош воқеа ва мазмунга йўналтиради. (9а, б расмга қаранг).

Композиция марказига урғу бериш тус ва рангга асосланади, фонга нисбатан шакллар контрасти ҳосил қилиб томошабинга етказилади. Тўйинган ва ёрқин ранг кўзга кучли таъсир қилади, диққатни тортади. Ёрқин рангга бўялган буюм биринчи навбатда кўзга ташланади. Бундан композицияда ранг

доғларини тўғри жойлаштиришда фойдаланилади. Рассом ёруғликдан фойдаланиб композиция марказида энг муҳим қомат ёки гуруҳ қоматни, ҳаракатни, буюмни ёки сюжетни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлганларини ажратиб кўрсатади. Соя ёрдамида эса рассом ҳамма иккинчи даражали қисмларида, шунингдек томошабин нигоҳини тортмаслигида ишлатади.

Баъзида рассом картина яратар экан композиция марказини контраст ва ёркин рангда, прожектор нури каби ёритади. Масалан Рембрант асарларидан бирини олайлик. «Адашган ўғилнинг қайтиши» асарида бош қаҳрамон қоматлари ажратилиб ёритилган (ўғил қомати, отанинг юзи ва қўли). Шу усул орқали рассом томошабин фикрини жамлаб диққатни картина қаҳрамонларига қаратишга эришган.

Симметрия. Тасвирий санъатда симметрия теварак-атроф реал муҳитида шаклларнинг симметрия тузулишига кўзимиз тушади. Шаклнинг ўнг ва чап томонлари бир хиллигини, уй буюмлар, барглар, мевалар, шунингдек, одам қоматида ҳам симметрик тузилганлиги (симметрия) ҳақида тушунча беради. Симметрияни табиатда ҳам, ҳар хил санъат турларида ҳам кузатиш мумкин. Композицияда симметрия ҳосил қилиш учун унинг қисмлари, туси, ранги ва шакли тенглигига асосланади. Бу ҳолатда шаклнинг ўртасидан ўтган икки қисмга бўлувчи ўқ чизиғидан бир томони иккинчи томонига кўзгудаги аксидек ўхшаш ва тенг бўлади.

Симметрия орнамент (нақш)лар тузилишида энг кўп учрайди ва ўзгача гўзаллик касб этади

Симметрик шакл аниқ марказга эга бўлади. Одатда у картина текислиги (тасвир)нинг геометрик марказига тўғри келади. Агар кўриш нуқтаси марказдан четда бўлиб ёки тасвир диагонал бўйлаб жойлаштирилса, композиция динамик (ҳаракатчан) бўлади ва идеал тенглик бузилади.

Композицияда симметрия картинани икки қисмга бўлувчи ўқ чизиғини ўтказсак симметрия чизиғини ўтказган бўламиз. Бу чизиқ картинани икки қисмга бўлсада, бу ҳолат кузгу симметрияси бўлмаслиги ҳам мумкин. Аксинча шакллар, қиёфалар нигоҳимизда икки томонда такрорланиши мумкин. Бунда икки томон шакллари, ранглари, тус ҳолатлари билан тенглик сақланган бўлиб, *нигоҳий симметрияни* ҳосил қилади. Симметрияли композициясида кўп ҳолларда марказга интилиб умумлаштирилганини кўриш мумкин.



6 - расм. А.Рублев.
«Учовлон» иконаси.

«Учовлон» иконасида симметрия кузгудагидек такрорланмасада, кўл ва қомат ўтириш ички ҳолатлари, маъно мазмунан марказга қаратилган. Ўртадаги ва икки четдаги қоматлар марказий симметриядан бироз четлатилган. Эркин симметрия орқасида шакл ва мазмун симметрияси бўлсада *асимметрия* каби қараш мумкин. Икки томонни мувозанатини умумлаштириб турувчи кийёфалар бирлаштирувчи кучга эга. (6- расм).

Симметрия қоидаларидан рассомлар фойдаланиб, кўп қоматли композициялар яратганлар. Уйғониш даври рассомлари симметрия қоидаларига катта эътибор бериб дастгоҳли рангтасвир асари яратганлар.

Италияда юқори Уйғониш даври рассомлари композицияда катта муваффақиятларга эришган. Масалан, Леонардо да Винчи «Анна билан Мария ва чакалоқ Христос» асарида уч қоматни жойлаштиришда учбурчакдан фойдаланган.

Леонардо да Винчи «Сирли оқшом» асаридаги композиция тузилишини ҳам симметрия дейиш мумкин. (6 -расмга қаранг).

Асимметрия. Шакл тузилишида симметрия бузилса, у ҳолда асимметрия дейилади. Яъни ўқ чиғи билан ўнг ва чап томонга бўлинганда тенглик бузилганлигидир.

Тасвирий ва амалий санъатда, архитектура биноларида, буюмларда, ҳам асимметрия мавжуддир. Картина текислигини эса вертикал ўқ чизиғи билан икки қисмга бўлсак, композиция бузилмаган ҳолда унинг шакллари, тус ҳолати тенглиги бўлингандай ҳолатни кўриш мумкин. Асимметрик композицияда тенглик ҳаракатини ҳосил қилишда шакллар оралиғидаги бўшлиқ, паузалари ёрдамида амалга оширилади. Бунда шакллар бир-бирига яқинлашган ёки бир-биридан узоклашган ҳолда бўлиши мумкин. Тенглик эса катта ва кичик шаклларни оқ ва қорамтир тус, ёрқин ва бўғиқ ранглари қарама - қарши қўйиш орқали амалга оширилади.

Текисликда асимметрик яъни икки томони тенглаштирилмаган композицияда тенглик онгли равишда сусайтирилади ёки умуман бўлмайти. Масалан, фикр – ғоя, сюжет маркази композиция текислигининг бир томонига якин бўлиб, иккинчи томон қисмида кам шакллар тасвирланади. Агар сюжет контраст ҳолатда очиб берилган бўлса, бунда психологик контраст, бош қахрамон ва бир гуруҳ қиёфалар бир-биридан қандайдир масофада жойлаштирилиб, ташқаридан қаралганда композиция бўлингандай яъни, асимметрияни ҳосил қилади. Умуман икки қисмини бир-бирига қарама-қарши қўйиб нигоҳий тенглик ҳосил қилинса, композицияда мутоносиблик таъминланади.

Композицияда мутоносибликни сақлаб асимметрия тузилишига расм К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг охири куни», Ч.Ахмаровнинг А.Навоий номидаги Опера ва балет театри биносидаги деворий расм «Фарход ва Ширин» асарини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. (7-расм).



7 - расм. Ч.Ахмаров.
«Фарход ва Ширин».

Композиция хусусияти ва сифатларида шаклнинг қуйидаги кўрсаткичларини ажратиш мумкин: композиция шаклининг уйғунликдаги яхлитлиги, элементларнинг бир-бирига

бўйсунуши, элементларнинг композицион мувозанати, улар комбинациясида симметрия ва асимметрия, уларнинг ҳаракат (динамик)лиги ва турғунлик (статик)лиги, характерлар бирлиги.

Бадий асар шаклининг гармоник яхлитлиги конструктив ечим билан унинг композицион талқини алоқасининг мантиғи ва узвийлигини ифодалайди.

Асар ёки шаклнинг гармоник яхлитлиги ва унинг бошқа параметрлари таҳлили схемасини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

1. Дастлабки таассурот ва муҳокамани тузиш;
2. Шакл тузилиши назарияси асосида композиция таҳлили ва хулосаларни таърифлаш;
3. Муҳокама ва хулосаларни таққослаш, яқунловчи қарорни қабул қилиш.

Композиция шакл элементларининг бир-бирига бўйсунуши ҳам композиция қонуниятларига таянади.

Элементларнинг композицион мувозанати ва картина шакллари унинг композицион марказга нисбатан мувозанати билан белгиланади.

2.2. Миллий рангасвирда анъанавийлик. Мавзунини ёритишда шакл ва қиёфалар характери.

Жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида тасвирий санъат пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқелиқдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, мулк ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ёрқин келажакка интилишга даъват этди. Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий кадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр - ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир.

Жаҳон санъати тарихини ўрганиш унинг тараққиёт қонунларини тушуниш нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис туйғу ҳаётини тажрибаларини ўрганиш ғоявий-эстетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётини тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради. Тасвирий санъат турларига рангасвир, графика, ҳайкалтарошлик киради.

Рангасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бўлиб, махсус *A Baker and His Wife* полотноларга, деворларга ишланади. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда ранг муҳим ўрин эгаллайди.

Рангасвирда оқим ва жанрлар. Тасвирий санъат турлари ҳар хил бўлиб рассомлар ўз ижодида турли жанр ва оқимларда асарлар яратиб келганлар. Жумладан:

Академизм - академик услубга оид бадиий йўналиш.

Автопортрет (грекча сўздан. Outos - ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.

Абстракционизм – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.

Авангардизм - XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).

Натурализм - тасвирий санъат йўналишларидан бир бўлиб, тасвирловчи, тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташки кўриниши, сиртки суратини тасвирлаш лозимлигини мақсад қилиб кўяди тўғридан тўғри шаклни кўчириб тасвирлайди.

Классицизм Аҳмонийлар давлатининг барҳам топишига сабаб бўлган Александр Македонский босқинчилик юришлари (эр.аввалги 334-326 йиллар) Марказий Осиё маданияти ва санъати тарихида янги давр эллинизм даври бошланишдан дарак беради. Эллинистик анъаналари Бактрия санъатида (Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа, Эски термиз) яққол намоён бўлди. Суғд ҳамда Хоразмнинг бадиий маданиятида бир мунча камроқ ўз ифодасини топган. Антик дунё даврида меъморчилик, ҳайкалтарошлик, деворлардаги мажозий рангтасвир санъатининг энг кўп тарқалган ва характерли турлари бўлиб қолди.

Қадимги Ўзбекистон тасвирий санъатининг сюжет негизлари ягона бўлгани ҳолда улар турли минтақаларда турлича талқин қилинади. Хоразм санъати бетакрор бўлиб, ўзига хос композицион режаларга эга будда мавзуларига оид ишлар учрамайди.

Ўрта асрлар бошларида Ўзбекистон худудининг бир қисми Турк хонлиги таркибига кирган. Бу даврдаги бадиий ҳунармандчилик асосан металлдан ясалган маиший буюмларда ўз аксини топган бўлиб, уларда сосонийлар ва Узоқ Шарқ санъати анъаналари ўзига хос тарзда уйғунлашган. Ўрта асрлар бошидаги деворлардаги накшлар тасвирнинг мураккаблиги, композициянинг бойлиги ва рангларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Суғдда қора пластика ва кандакорлик санъати анча тараққий этганди. Бир қатор ҳайкаллар турлари ишлаб чиқилиб, уларнинг бир қисми диний, бир қисми эса – эпик образлар билан боғланган.

Суғддаги жасадлар кули солинган хокдонлар ҳар хил қабарик тасвирлар туширилган тоштобут қора пластиканинг алоҳида турини намоён қилади.

Эрамининг VII-VIII асри бошида Ўзбекистон худудида тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланишида ўз таъсирини кўрсатган ислом дини кенг

тарқала бошлади. Марказий Осиёда шу муносабат билан антик ва Ўрта асрлар бошидаги меросга муносабат ўзгарди.

XI аср ўрталарига бориб санъатда нақшли - безакли негиз тўла устунлик килди. Деворлардаги нақшлар ва хайкалтарошлик амалда бархам топиб, бадий ҳунармандчилик биринчи ўринга чиқди. Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмушидан кенг ўрин олган, IX – XII асрларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларда қўлёзма ҳаттотлиги китобларни безаш санъати ва муқовачилик ғоят ривож топди. Қадимги қўлёзмаларнинг бадий безатилиши жимжимадор хуснихат билан нафис нақшларни ўзида бирдек мужассам этганди. Бу ерда Шарқ миниатюра рангтасвирининг ажойиб бадий мактаблари таркиб топди. Сўнгги йиллар давомида узок ва яқин хориж, шунингдек, республикада ўтказилаётган халқаро миқёсдаги бадий кўрғазмалар асосини анъанавий ҳамда ноанъанавий тарздаги дастгоҳли рангтасвир асарлари ташкил этади. Мамлакатимиз Мустақиллик кунига бағишланган, доимий ўтказилиб келинаётган бадий кўрғазмалар бу борада энг етакчи бўлиб келди. Бу кўрғазмада республика миқёсида тасвирий ва амалий санъатнинг барча турларида юзага келган етук ва намунали асарлар намоиши этилди.

Композицияда шакл ва қиёфанинг эффектли ифодаси учун композициянинг элементи ҳақидаги тушунча илгари сурилиши керак, ҳар бир факторнинг тушунчаси орқали кўрганларимизнинг таасуротлари ва кўзимиз билан кўришимиз мумкин бўлган шакл ҳаракатини шакллантиради.

Композициянинг факторлари нукта, чизик, текислик, шакл (форма), ранг, соя (ранглар), ҳажмни ҳис қилиш, ишлатаётган материалимизни ҳис қилиш, ўлчам, йўналиш, композиция, иллюзия кабилардир. Биз факторларни тушунчамиздаги факторлар ва кўз олдимиздаги факторлар деб қарашимиз мумкин.

Композиция - нукта, чизик, юза каби учта муҳим элементлар шаклини ўзлаштириб, кузатилиши, албатта, пластиканинг бирлиги ва тартибига эга бўлган психологик ҳаракатдир. Бундай шакл гўзаллигини хал қилиувчи принципини гўзаллик принципи ёки шакл (фигура) принципи дейилади. Бу шакл ранг, натура, ҳажм каби ўзаро бошқа бошқа элементларни текисликда ифодаланганда шаклланадиган шаклни Composition VII (Third Version)

чиройли ва уйғун бўлишидаги гўзаллик қонунидир. Бу шакл принципи тушунчаси эстетик муаммо сифатида қадимдан шу кунгача кўп нарсаларни кўрсатиб келган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагичадир.

1) Бирлик - бирлик бу ҳис қилиш ёки реал шакл, ранг, ҳажм материал ҳамда техник жиҳатдан эстетик бирлик ёки тартиб деганидир.

Уйғунлик - уйғунлик деб, бир ёки ундан ортиқ қисмларнинг ўзаро муносабатида эстетик қиммати жиҳатидан бир - биридан ажратилмасдан, ҳар бир элемент бирлашганда ҳосил қиладиган эстетик шаклга айтилади.

2) Ўзгариш - бирликдан ажратиб бўлмас муносабатдир. Лекин жудаям мураккаб ўзгаришларда бирлик тартиб билан мустахкамланмаса, композиция бетартиб кўринишга келиб, ҳатто мавзу ҳам сустлашиб, бу бир хиллилик(монотонли) ва замондан ортда қолиш каби оқибатларга олиб келади.

Пропорция - катталиқ ёки узунлик ўртасидаги фарқни билдириб, баланс билан узвий боғлиқдир.

3) баланс - баланс дегани, симметрияда фарқ қилиб, ҳар томонлама носимметрик шаклларнинг кўриниш ва руҳий мувозанатдир.

Симметрия - мувозанат деб ҳам юритилиб, қарама - қарши томонларда жойлашган барча нукталарнинг ўзаро бир хил масофада қўлланилиши тартибига таяниб, бирлаштириш хусусиятини берувчи тушунчадир.

4) Ритм - ҳар бир элементнинг кучли ёки заифлиги, шунингдек, ритм даврини ҳамда давомий ҳаракатдир.

• Аста - секин ўсиб бориш: аста - секин ўзгариб бориш ёруғлик ва қоронғулик, шунингдек, комбинациянинг ёркинлик даражасини ифодаловчи тушунчадир. Аста - секин олдинга силжиш, нукта ёки қорондер деб ҳам юритилиб, мос келувчи поғоналарга асосланиб, қатъий тартибларга эга бўлган табиий тартиб қоидаларнинг ўзаро ҳаракати билан ифодаланадиган тизим деб ҳам талқин қилинади.

• Такрорлаш - ажратилган масофада такрорланишидир.

Оддий такрорланиш бир хил ва оддий бўлсада, даврий такрорланиш ўзгарувчан ритм қайтарилганда, жозибадор ритм бўлиб, бундай мураккаб давомий ритмга асосланган такрорланиш кесишиш деб ҳам аталади.

5) Урғу – атроф - муҳитнинг бирор бир шартига кўра махсус бир қисмига каттиқ ўзгартириш факторидир. Лекин урғу бирдан ортиқ берилса, аксинча урғу ўз кучини йўқотиши мумкин. Урғунинг катталиги керагидан ортиқ ишлатилмайди, яъни урғу беришнинг ҳам ўз чегараси бор.

• Контраст (қиёс) - қиёс хусусият ва миқдорни ажратиб, иккидан ортиқ жой ёки вақтга нисбатан жойлашганда ҳосил бўладиган бирлик шакли, яъни шакл ёки ранг қабиларга контраст бериш орқали ўзгаришни амалга оширувчи принципдир. Рангсиз тасвирда оқ ва қора рангни қиёслаш шунга мисол бўла олади.

6) Жой - жой бирлик ва ўзгаришнинг принципи ўзида мужассам этган алоҳида ҳар бир хусусиятни яна бир поғона кучатириб берувчи ролни

ўйнайди. Жой кўринишида бирор бир шаклни ажратганда, ҳосил бўладиган жойни ишлатишда муҳим аҳамият касб этади.

- Шакл (фигура)нинг принципларини тушуниш усуллари
- Хис - туйғуларни ҳар томонлама чиройли қабул қилайлик.
- Йўналиш, ритм, кучли ва заифлиликка таяниб, нурнинг кучли кучсизлиги кабиларга урғу бериш.
- Пропорция, ритм, баланс, уйғунлик (гармония), қиёс (контраст), бирлик кабилар бошқа барча шаклларга таъсир кўрсатиб эстетик принципларни кўллайди.
- Эстетик муносабат ва тасаввурларимизни ҳамда предметни ҳис қилиш қобилиятимизни ифодалайди.
- Баландлик, чуқурлик, кенглик мавжуд бўлган структуравий бўшлиқ баланси деб тасаввур қилишимиз мумкин.
- Биз бўшлиқни ундаги мавжудот, ҳаракатлар орқали ҳис қилишимиз мумкин.
- Предметни ҳис қилиш ҳаво, нур ва соянинг йўналишига қараб англашимиз мумкин.
- Материални тушуниб, унга ишлов бериш усуллари ўрганиб, эстетик жиҳатдан ифодалаб беришимиз керак.

Жараёнлар - ишлатадиган материалимизни ўрганиб чиқиш - мавзу танлаш – эскиз - шакл (фигура) принципини тушунтириш - танланган объектни кузатиб, у ҳақида турли материаллар йиғиш, яъни унинг тузулиши, ҳаёт тарзи ва бошқа бошқалар ўрганилгандан кейин объектимиз жонлантириб ясалади. Нукта ҳақидаги тушунча бу - кўз нишонга олувчи белги, кичик бир мавжудот, кўзга

кўринмас нарсалар, яъни катта ҳажмга эга бўлмаган жойни англатади дейишимиз мумкин. Лекин унинг аниқроқ ифодаси учун белгиланган бирор жой ёки кўринишни белгилаши керак. Одам ёки катта фил бўлмасин, узоқ бир текисликда кичик бир нуктадай кўринади. Дарҳақиқат, биз The Green Fiddler

1) буни нукта деб қабул қилишимиз мумкин. Юзанинг катталиги ва нукта билан муносабати, нуктанинг сони, жойлашишига қараб, нуктани турлича ҳис қилишимиз мумкин.

2) Чизик ҳақидаги умумий тушунчамиз ип ёки узунлиги бору, эни ва ҳажми бўлмаган, борликда йўналишигина бор ингичка бир нарсадир. Геометрия фанида минглаб нутқаларнинг йиғиндиси чизик деб аталади. Санъатда чизик ҳақидаги умумий тушунча - бу қимирлаётган нукталар йиғиндисида

3) Юза - рангларнинг кучи орқали композицияга энг катта таъсир кўрсатадиган фактордир. Яна чизиклар юзанинг асосий фактори ҳисобланади.

4) Бирор бир нарсанинг ташки томонини чегаралайдиган ранглар жилосининг ўзгаришига таянадиган ёки чизиклар воситасида ҳосил бўладиган кўз билан кўриш мумкин бўлган нарсаларни тушунишимиздир. Образни конкрет ва абстракт образларга ажратишимиз мумкин.

5) Ранглар - ранглар структуранинг фактори ичида энг таъсирлиси бўлиб, бошқа факторларга караганда, янада табиий ва инстинктивдир. Рангсиз тасвирли асарлар инсон эътиборини ўзига торта олмайди, лекин ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

6) Ранглар жилоси - ранглар жилоси уйғунлиги ранг уйғунлигининг асосидир. Турли ранглар гуруҳини биз ифодалаганимизда бир ранга мансуб бўлган шу рангнинг бошқа жилоларини ифодалаш мумкин.

7) Тасвирлаётган предметимизнинг структураси деб (натура), кўлимиз билан ушлаб ҳис қилишимиз мумкин бўлган нарсалардан бошлаб, барча кўзга кўринадиган нарсалар ҳақидаги туйғуларимиз умуман олганда, табиатга, борлиққа нисбатан ишлатилади.

8) Ўлчам - чизик, текислик (юза), фигура ўртасидаги оралик ва шу ораликдаги размерлар тушунилади. Кичик бир туртбурчакни билан Миср пирамидалари иккисининг ҳам кўриниши бир хил туртбурчакдир. Лекин ўлчамлари туфайли бизда турлича таассурот қолдиради.

9) Йўналиш - барча чизикларнинг йўналиши бор. Ана шу йўналишларнинг асоси бўлган вертикал, горизонтал, ўнг ва чапга 45 даражали қиялик кабилардир.

10) Композиция - расм (композиция) ёки дизайнда бўлгани каби ўзгариш ва бирлик мавжуд бўлган, гўзалликни ҳис қилишда катта рол ўйнайдиган, мавзуга мос композициягина яхши асар бўлиши мумкин. Оддий учбурчак композицияда мувозанат ва кенг кўнгиллилик, перпендикуляр сокинлик ва байрамоналикни, ётиқ текисликда эса, тинчлик, сокинлик ва кенгликни ҳис қилиш мумкин.

11) Иллюзия - иллюзия дегани кўзнинг физиологик ҳаракатига таянган ҳолда содир бўладиган визуал иллюзияга айтилади.

• Чизма (шакл) - бир шакл орқали икки турдаги бошқа шакл (фигура) ёки ундан ортиғини кўриш орқали, бундан олдинги фазовий шаклларнинг ҳосил бўлишидир.

2.3. Рангтасвир композициясида мавзу таҳлили ва ғоявийлик.

Мукаммал яратилган бадиий асар юксак ғоявий, мазмунли, халқчил, юксак бадиий маҳорат билан ҳаққоний яратилган санъатгина бизнинг ақл ҳамда ҳис-туйғуларимизга таъсир этади.

Ўзбек ва чет эл рассомларининг гўзал асарларини ким мароқ, билан томоша қилмаган, улардан завқ олмаган? Музей ва кўрғазмаларда атиги бир марта бўлган одам рассомларимиз томонидан яратилган гўзал асарларни томоша қилишдан бахраманд бўлади албатта, кўнглига ўтирган асарларни яна бир бор кўриш мақсадида шошилади.



Ўтмиш ва ҳозирги замон тасвирий санъат асарларини томоша қилишни ҳаммамиз ҳам яхши кўрамыз. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Шу ўринда машхўр рассомлардан бири шундай деганди: «Биз санъатни шунинг учун ҳам севамизки, у инсонни ўраб олган борлиқнинг гўзал томонларини очиб беради, инсонга куч-қувват, севинч бахш этади, уни руҳий, маънавий жиҳатдан бойитади, ҳаётини завқ-шавқга тўлдиради. Биз санъат асарларини шунинг учун ҳам қадрлаймизки, улар шоирона хис-туйғуларга бой бўлади, рассом ўз юрак ҳароратини, туйғуларини камёб, такрорланмас, оригинал, ҳаётий бўёқлар билан ифода этади».

Яқин ўтмишдаги реалистик санъат намояндалари ижодининг энг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, улар ўз асарларида халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, халқда ўз кучига ишонч уйғотувчи муҳим мавзуларни акс эттирарди.

Рассом Раҳим Ахмедовнинг «Тонг. Оналик» асаридаги қахрамоннинг юзига бир қаранг-а. У эрта тонгда хотиржам ўз чақалоғини эмизмоқда. Она юртимизга хос таниш манзара, енгил шабада эсмоқда. Тоғ этагидаги қишлоқ осмони мусаффо тиник, эндигина тонг оқариб қуёш чиқиши арафасида. Картинадаги оила хотиржам ҳаёт гўзал рангларда акс эттирилган. Она образи инсон ўзи яшаётган муҳитнинг тинчлиги қанчалик қадрли эканлигига ёрқин намуна бўла олади. Бу картина ҳар бир томошабин қалбида ўчмас из қолдиради албатта.

Раҳим Ахмедовнинг бу асарини томоша қилар эканмиз, биз тинч ҳаётда яшаётган одамларни кўрибгина қолмай, гўё уларнинг водий бўйлаб таралаётган қушлар ноласини ҳам эшитаётгандек бўламиз.

Рассомларнинг фақат турмуш эмас, шўнингдек табиат манзаралари тасвир этилган асарларидаги ҳаёт ҳақиқати кишини қаттиқ ҳаяжонга солади.

Ўрал Тансиқбоевнинг «Тоғда» номли асари севимли ўлка табиатига чексиз меҳр-муҳаббат ҳисси билан суғорилган. Суратда баланд тоғ этакларидан гул тераётган болаларни, эрталабки қуёшнинг заррин

нурлари ёритиб турган чексиз водийни ўраб олган тоғлар понарамасини кўрар эканмиз, кўз ўнгимизда кишининг иродаси ва меҳнати билан боғу-бўстонга айланаётган Ўзбекистон ерларининг ёрқин манзараси гавдаланади ва ҳаётга бўлган интилишини оширади. Ўзбекистоннинг гўзал табиати Ў.Тансиқбоев ва ҳозирги пайтда ижод қилаётган замондош рассомларимиз ижодида марказий ўринни эгаллайди.

Бундай ажойиб табиат манзараларини кўрар эканмиз, рассомнинг қуйидаги сўзларини эшитаётгандек бўламиз: «Одамлар, қаранг, биз яшаётган олам қандай гўзал, уни мен каби севинг, ана шу мукаддас севги билан уни ўзингизга асир этинг, бу боқий дунёда ундан бир умрга лаззатланинг, тинчликни қадрига етинг, буюк ишларга белингизни маҳкам боғлаб олға интилинг».

Рассомларимиз ватан ва жаҳон прогрессив санъатига суянган ҳолда ўзининг чуқур ғоявийлиги, шаклининг мўкамаллиги, халқ турмушига боғлиқлиги билан ажралиб турувчи санъат йўлида дадил қадам ташламоқдалар.

Тасвирий санъатни янада ривожлантириш учун ўзида илғор ғояларни мужассамлантирган меҳнатсевар кишиси рассомларнинг энг севимли ва асосий қаҳрамонларига айланган.

Натюрморт жанрида Рассом А.Икромжанов ўз ижодида мумтоз натюрморт, яъни нидерланд мактабининг машҳур вакиллари Питер Класс, Виллем Хеда бадий анъаналарига эргашишга, уларни ўзига хос тарзда ривожлантиришга интилади. Шу билан бирга, асарларига ўзбек халқ амалий санъати ва миллий қадриятларни олиб киришга, уларни юксак савияда тасвирлашга интилади. Унинг энг яхши асарлари Ўзбекистон тасвирий санъатининг натюрморт жанри тараққиётида ўзига хос ва мос ўринга эга.



Натюрморт жанри асарларида тасвирланаётган предметлар ҳаётий реализмга асослангандир. Уларни яратаётганда ижодкор ўз дунё - қарши нуктаи назаридан муносабатда бўлади. Натюрмортдаги шакл ва рангларда шоирона талқин кўзга ташланади. Натижада, гўзал ва бетакрор табиат неъматлари

расмларда рассомнинг ижоди самарасига айланиб, барҳаётлик касб этади, томошабин кўзини қувонтиради, дилига эстетик завқ бағишлайди. Бу

асарлардаги мукамал чизгилар, ёрқин, нафис ранглар ўзаро уйғунлиги узоқдаги бетараф ёки қорамтир фон асосида алоҳида ажралиб туради.

Бу асарлардаги нур ва соянинг талқини, тасвири, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳам ижодкорнинг юксак маҳоратидан дарак беради.



Рассом Н.Гилманова эса “Мен ранг ва нур ҳамоҳанг бўлишини яхши кўраман”, - деб айтган эди. Ҳақиқатдан ҳам, “Лимонли натюрморт”, “Учта кўза”, “Бойчечаклар”, “Кўзги гулдаста”, “Ноклар”, “Мандаринли натюрморт”, “Олмалар ва хурмолар”, “Увайсий хотирасига” каби жуда кўплаб натюрморт асарларида ранглар мутаносиблиги, ҳаёт давомийлиги, кузги барглар ҳаётнинг кузи эканлиги, тахи бузилмаган оппоқ дастурхонлар оқ йўл эканлиги, кўйингки, нур борки, соя борлиги унинг натюрмортларида ўз аксини топган. Натюрмортларда жуда кўп конструктив шаклларга ранг бериб, мукамал асарга айлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, “Увайсий хотирасига” деб номланган натюрмортда ранглар уйғунлигини, композицион тузилишнинг тўғрилигини, нур ва соянинг ўйноқилигини кўришимиз мумкин.

Назорат топшириқлари

1. Симметрия ва ассимметрия ҳақида тушунча беринг.
2. Композицион яхлитлик нима?
3. Нур-соя хусусиятларини тушунтириб беринг.

3-мавзу: Композиция қурилишлари ва бадиий ечим. Композицияда бадиий фикрлаш хусусиятлари. Композицияда колорит ечими ва инсон руҳиятига таъсири.

Режа:

- 3.1. Композиция қурилишлари ва бадиий ечим ва фикрлаш хусусиятлари*
- 3.2. Композицияда колорит ечими ва инсон руҳиятига таъсири.*
- 3.3. Рангтаъсирда шакллар образи ва таҳлили. Шакл ва рангнинг инсон руҳиятига таъсири.*

Таянч сўз ва иборалар

Фронтал композиция, рангтаъсир, хайкалтарошлик, рельеф, комбинация, ижодий устахона, ашёлар билан ишлаш, натюрморт.

3.1. Композиция қурилишлари ва бадиий ечим ва фикрлаш хусусиятлари

Композициянинг қонун-қоидалари. Композициянинг қонун-қоидалари: ритм, мазмунли-композицион марказ, симметрия ва асимметрия, асосийни иккинчи планда кўрсатиш кабилардан иборат.

Ритм. Агар симметрия элементларни тинч мувозанатини таъминласа, ритм ҳаракатни назарда тутаяди, қайсики бу ҳаракат тўхтамайди, чексизликкача давом этади. Ритм ҳаётда ва санъатда катта ёки кичик бир маромда даврий такрорланишдир. Қандайдир ўхшаш элементни, тимсолий вазият, шарт-шароитни, маълум интервалда алмашиниб туришидир. Ритм энг аввало табиатда мўъжизавий композицион бошланма сифатида мавжуд. У борлиқнинг жуда кўплаб жабҳаларида иштирок этади: коинот тузилишида органик ва неорганик табиатда, йилнинг фаслий ва таркибий қайтарилишларида, ҳайвонот оламида, ўсимликлар дунёсида, одам организмида (нарсалар алмашувида, нафас олишда, юрак уришида) ўзига хос маром билан ҳаракатда бўлади. Ваҳоланки, санъатдаги ритм билан табиатдаги ритм бир нарса эмас. Санъатдаги ритм органик табиатдаги ритмга яқинроқ, чунки у техник хусусиятлари билан анчайин пластикдир.

Ритмни баъзи рассомлар қоида сифатида айтишади, (мас. А.Дейнека) бошқалари эса қонуният деб ҳисобласа, учинчи хил қараш ҳам бор, уларнинг фикрича ритм-восита, композициянинг ташкилий бошловчиси деб ҳисоблайдилар.

Ритмнинг ташкилий бошланиш эканлигини тан олган ҳолда Е.А.Кибрик ёзади: «Композициянинг ритмик асоси рассомнинг ғоявий мақсадини ички қонуниятини ифодалайди. Бу асосий қонуният ҳар бир ғоявий мақсадда иштирок этади ва у бадиий асарнинг композицион қурилиши ва бир маромини топа олишнинг, удалашнинг гаровидир. Ритм-композициянинг ташкилий бошланишигина эмас, балки нафосати ҳамдир, айнан шу орқалигина асарга шоироналик, бадиийликдан ажралмаган ҳолдаги муסיқавий жихатлар кириб келади».* (А.Т)

Ритм рассомлар ижодида композициянинг қонун-қоидаси сифатида ўзининг хусусиятларига ва кенг ҳаракат диапазолига эга. У композицияда ташкилий ва эстетик аҳамият касб этади. У композиция қонунларига асосланади, Чизик, ранг, тус контрастларида ифода этилади (хайкалтарошлиқда ҳажм контрастлари).

* Е.А.Кибрик. Об искусстве и художниках. М., 1961. 215-216 бет.

Ритм муваффақиятли топилган композицияда бир варакайига асарнинг контрастлар қонунини қўллаш билан асарнинг компонентларига айланади ва уларни бирлаштиради ҳам.

Композицияда маълум бир детал ёки элементларни такрорланиши томошабинда мазмун ва уни ўсиб боришини мушоҳада қилиш ва ҳис қилишга олиб келади. Ритмнинг бу хусусияти композициянинг ҳаётийлик қонуни билан ўзаро алоқасини аниқлаб беради, қайсики бу билан рассом ташқи ҳаракатларни кўрсатиш билан чегараланиб қолмасдан балки, ички ҳаракатларни юзага чиқаради.

Ритм барча даврларда, барча санъат турларида мавжуд ва бор бўлган. Қадимий Шарқ санъатида ритмни қўллаш қаттиқ талаб этилган. Қадимги Миср санъатида ритм тасвирлари бўлган фриз композициянинг асосий шакли ҳисобланган.

Қадимги Греция санъати эса, ритм ва симметрияни яхши ўзлаштириб олинганлиги сабабли Миср санъатидан бир қадам олдинга ўтиб кетган эди. Одамнинг анчайин табиий позаларда ва анча фаол ҳаракатларини ритмда ранг-баранг тасвирлаш билан қадимги грек усталари ифодавий композициялар яратишган. Ритмнинг махсус ҳолларини грекларнинг вазаларида кўрамиз. Грециянинг классик давридаги рангтасвир композициялари ҳам ритмик асосга қурилган.

Уйғониш даври санъатда ритмдан фойдаланиш композициянинг асосий уч талабидан бири бўлган. Композициянинг бу уч вазифаси: переспектива, текисликни ритмик бўлақларга ажратиш, қуриш нуқтаси ҳисобланган ва илк уйғониш даври рассомлари томонидан асосланган. Бу ҳақда монументал фрескалар гувоҳлик беради. Фикримиз далили сифатида Джотто композицияларидан масалан, «Христосни чўқинтириш» ва «Мариянинг тўй воқеалари» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, XV асрда композициянинг қонун-қоидалари ва услубларини изчил в муваффақиятли равишда Мазаччо, Ботичелли, Мантаньелар қўллайдилар. Мазаччо «Динари ҳақида афсона» асарида омманинг ритмик уйғунлиги, катта фазо, тасвирий фигураларнинг ҳажмлилигини тасвирлаган ва фресканинг тўлалигича композицион яхлитликка эришган.

Уйғониш даври усталари ишлаб чиққан композиция қоидалари XVI-XVIII асрларда ҳам санъат марказида қолади, бунда ритмга алоҳида ўрин берилади. Рангтасвир асарларидаги ритмик жойлашувда мураккаб боғламли ёруғ-соялар ва ранг гармонияси пайдо бўлади. Масалан, Тинтореттонинг «Сирли оқшом» картинасида мураккаб ритмни кўрамиз, композициянинг диагональ қурилишида эканлиги тасвирланган фигураларнинг ҳаракатини кучайтириб юборган.

XVII асрга келиб асосий ролни композицион ечимда ёруғ-соялар ва ранг ўйнаш бошлайди. Бунга ёрқин бўлиб Рембрандт асарлари, хусусан «Тунги назорат», «Оқпадар ўғилнинг қайтиши» кабиларни кетириш мумкин. Композицияда ёруғлик ва соя эффекти асосий рол ўйнасада, ритмнинг роли ҳам пасаймайди, аксинча, у асарнинг эмоционал таъсирини кучайтиради ва томошабинга маълум предмет ва воқеаларни янгича кўришни юзага келтиради (13-расм).

XIX юз йилликда Рус санъатида картина текислигини ташкил этишда ритмни актив қўлланилишига ҳаракат қилинади. Жумладан, К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнгги куни»да ёрқин ва тўқ доғлар ўз навбатида маълум бир ритмни ҳосил қилади ва картинани мувозанатли, яхлит холга кўришга олиб келади. Куинджининг «Берёза ўрмони» эса бизга манзарадаги ритмни классик намунасини намоеън этади (14-расм). А.А.Дейнеканинг «Чанғичилар», «Эстафета», «Даралар. Спортчи кизлар» асарлари ритмни аниқ ўрнини кўрсатиб беради. Бу асарларда ритм мураккаб қўлланилганлиги билан ажралиб туради. «Эстафета»да ҳаракат диаганал бўйича кетса, «Спортчи кизлар»да ҳаракат пасдан бошланиб, дарё қирғоқларида бурилиш аввал томошабинга, сўнг картинага параллел кетади.

Мазмунли-композицион марказ. Композициянинг ғоявий мазмунини, энг асосийни етарли ва аниқ ифода этиб берувчи картинанинг маълум бир қисмини *мазмунли-композицион марказ* деб аталади. Композицион марказ композициянинг асосий қонунларига мос холда хажми, ёритилганлиги ва бошқа воситалари билан ажралиб туради. Композицион марказ биринчи навбатда, албатта томошабин диққатини ўзига жалб этиши лозим.

Композиция маркази фақат рангасвирдагина эмас, балки хайкалтарошлик, графика, декоратив санъат ва меъморликда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Композицияни албатта инсонни кўриш хусусиятларини ҳисобга олиб куриш керак. Мазмунли-композицион марказни ташкил этиш ҳам худди шу нуқтаи-назар билан боғланади ва шундагина ёркинроқ ифодалаш билан бадий асар мазмунидаги асосий нарса кўзга ташланади. Шу сабабдан, композициянинг бош талабларидан бири - ўзида мазмунни конструктив ғоясини мужассам этган мазмунли-композицион марказни тўғри жойлаштириш ҳисобланади. Яхлитлик қонунига кўра, рассом мантиқан композиция марказини бошқа қисмлари билан боғлаганлигини асослаш керак. Агарки, марказ бирор томонга ўйланмай сурилиб кетса, ҳисобда йўқ бўш жой пайдо бўлиб қолади, бу эса асар ғоясини сустантирувчи тасаввур уйғотади.

Мазмунли композицион марказ айнан геометрик марказда бўлиши жуда кам ҳолларда учратади. Композицияда яна шу нарса жуда қимматлидир,

яъни композиция шундай тузилсинки, ундан ҳеч бир нарсани олиб бўлмасин, ҳеч бир нарса кўшиб ҳам бўлмасин.

Шундай бўлса мисол тариқасида композицион марказни геометрик жойлаштиришга классик мисол, Леонардо да Винчининг «Сирли окшом», В.И.Васнецовнинг «Пахлавонлар» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, Рембрандтнинг «Оқпадар ўғилнинг қайтиши», В.Г.Перовнинг «Гувернант қизини савдогар уйига келиши» асарларини келтирса бўлади. В.Г.Перовнинг «Учовлон» асарида мазмунли композицион марказни олдинги фазовий планда турган болалар ташкил этади. Бу ҳолда рассом асарнинг ғоявий мақсадидан келиб чиқиб, фигураларнинг ҳаракат йўналишини (ёки пластик ҳажми) мазмунли композицион марказга муносабатида беради.

«Гувернант қизини савдогар уйига келиши»да гувернант қиз биринчи планда томошабинга ёндан тасвирланган, унинг орқасида иккинчи планда воқеалар бўлиб ўтмоқда. Унга қадалган савдогар ва уйдагиларни қарашларида асосий маъно берилади, у эса гўё кечирим сўраётгандек турибди (14-расм). Фигураларни бундай жойланиши ва фазовий планлар рассомнинг ғоявий мақсадига тўла жавоб беради.

Мазмунли композицион марказни иккинчи планда жойлаштириш, гўёки яқиндагидан узоқликка кетишга олиб келади ва картина қисмларини жойлаштиришда, марказ билан уларни бирлаштиришнинг бой имкониятларидан фойдаланишида кўл келади.*

И.Е.Репининг «Кутмаган эдилар» полотносида мазмунли марказ иккинчи планда кўрсатилади. Унда ҳибсдан қайтган инқилобчи фигураси туради. А.А.Ивановнинг «Исонинг элга кўриниши» асарида мазмунли марказ, бу улкан полотнонинг номига мос ҳолда иккинчи планга узоқлаштирилган ва мазмунга мос ҳолда бош персонажнинг фигураси кичиклаштирилган ҳамда унинг яқка ҳолда умумий фонда берилиши билан оммага нисбатан ажралиб туради (15-расм).

Симметрия. Симметрия умуман санъатда, хусусан тасвирий санъатда ўзининг асосини реал борлиқдан олади. Композицияни симметрик ташкил қилиш учун характерлилиги унинг мувозанатини ҳажмий қисмларга, тусга, ранг ва хатто шаклларга нисбатан олинишидир. Бундай ҳолда одатда бир қисм иккинчиси билан худди кўзгудагидек ўхшайди. Симметрик композициялар ҳаммасидан аввал ёрқин ифодаланган марказга эга бўлади. Одатда у картина текислигининг геометрик марказига мос келади. Агарки чиқиш нуқтаси марказ билан аралаш бўлса, ҳажмий ҳолда бирор қисм оғирроқ бўлса, ёки бу

тасвир диагонал бўйича қурилса бу композициянинг ҳаракатчанлигидан дарак беради ва қандайдир маънода ғоявий мазмунни бузиб тургандек бўлади.

Симметрия қоидаларини Қадимги Греция хайкалтарошлари алақачонок кўллаганлар. Симметрик композициялар грек усталаринг эрадан аввал IV-III асрларда кўлланилганлиги фрескалардан олинган нусхалардан билиб олинади. Илк Ўйғониш даврида Джоттонинг фрескаларида, Юқори Ўйғониш даврида эса Леонардо да Винчининг «Авлиё Анна, Мария ва чакалоқ Христос билан» асарида учта фигура ўткир учбурчак шаклида фазовий (остидангина топиб олинган) қилиб жойлаштирилган. Яна шунингдек, шу рассомнинг «Сирли окшом»и Рафаэлнинг «Мариянинг никоҳланиши», «Афина мактаби», «Сикстин мадоннаси» асарлари ҳам симметрия қоидалари асосида қурилган.

Улуғ рус рассоми В.М.Васнецовнинг «Пахлавонлар» асари ҳам ажойиб симметрик шаклига монандликдаги композицион асардир (16-расм).

Асимметрия. Асимметрия тузилиши жиҳатидан симметриянинг аксинча кўринишидир. Агар композиция асимметрик кўринишда бўлса, демак у симметрикмасдир ёки аксинча тескараси. Асимметрик композицияда мувозанат предметлар орасидаги фазовий узилишлар билан бир-бирига яқинлашади ёки бутунлай ажралиб кетади. Мувозанат қарама-қарши қўйилган катта ва кичик, очлик ва тўқлик контрасти, ёрқин ва хира ранглар билан ҳосил қилинади. Бундай композицияларга К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнги куни», А.А.Дейнеканинг «Спортчи қизлар»и ва бошқа кўплаб асарларни мисол келтирса бўлади (17-расм).


Композицияда параллеллик. Маълумки картина текислиги четлари албатта рамка билан тугайди. Тасвир ҳам, шунга мос ҳолда турли параллел ва параллел бўлмаган чизиқлар билан картина ғоявий мазмунга мослик ва мос эмаслик ҳолатлари билан боғланади. Параллелликни бўлиши тасвирда бошқа қия ёки эгик чизиқларнинг таъсирчанлигини оширади.

Асосийнинг иккинчи планда жойлаштириши. Кўпинча ҳоларда асосийни иккинчи планда кўрсатиш билан ҳам композицион ечимга эришилади. Бунда ҳаракатдаги асосий шахс ёки гуруҳ иккинчи планда кўрсатилади. Натижада биринчи план ҳам унга бўйсунган ҳолда танланади. Бунга Рафаэлнинг «Афина мактаби», А.И.Ивановнинг «Исони элга кўриниши» ва бошқалар мисол бўла олади. Миниатюра асарларида ҳам кўпинча асосий қаҳрамонлар иккинчи планда берилади.

«Санъат - ижтимоий онг шаклларида бири, борлиқни билишнинг алоҳида воситасидир».

Инсон санъат билан жуда қадим замонлардан шуғуллана бошлаган. Санъат унинг меҳнат жараёнининг ажралмас қисми эди. Одамлар ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ санъатнинг моҳиятини тушунишган, унга ижтимоий

онг шаклларида бири деб, ўз бадиий асарларида ҳаётда муҳим, зарур деб билган нарсаларини акс эттирган. (2а-расм).



Тошдаги суратлар.
Сармишсой.

Инсоннинг меҳнат жараёнида, ов пайтларида идрок этган дастлабки образлари инсон, ёввойи ҳайвонлар образи бўлган эди.

Санъат инсон ижтимоий ҳаётининг ажралмас бир қисми ва эҳтиёжига айлангач, у ўз асарларида жамоа, жамият интилишларини ифодалайдиган бўлди. Санъат ҳаётни билиши, уни алоҳида воситалар ёрдамида акс эттириши ва жамоага муайян таъсир кўрсатиши натижасида ижтимоий онг формаларидан бирига айланди, унга фақат борликни ўзлаштирувчигина эмас, балки инсонни янги билим ва образли тасаввурлар билан бойитувчи қудратли бир куч деб қаралди.

Санъатнинг, шу жумладан, тасвирий санъатнинг (рангтасвир санъати, ҳайкалтарошлик, графика) энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ҳаётни акс эттиради, дунёни билишда инсонга ёрдам беради, уни ғоявий ва эстетик жихатдан тарбиялайди. Тасвирий санъат асарлари инсон учун битмас-туганмас маънавий бойликдир.



Ибтидоий одамлар ҳаётини археологик қазилмалар ёрдамида тасаввур этишимиз мумкинми? Мумкин, албатта, лекин инсон қўли билан — ўша давр одамларининг қўли билан яратилган тасвирларни кўриб, улар ҳаёти тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қиламиз.

Бу жихатдан ўн минг йиллар бурун яшаган, номаълум рассомлар томонидан ишланган ов манзаралари алоҳида аҳамиятга эга.

Ибтидоий одамнинг қандай ов қилганини, овчиларнинг ўзларини қандай пана қилганликларини, ўша вақтлардаги ёввойи ҳайвонларнинг турларини биз Ўзбекистоннинг Термиз шаҳри яқинидаги Зараутсой дарасида топилган тошга ўйиб ишланган расмлар ёрдамида тасаввур этишимиз мумкин. Бу тасвирлар узок ўтмишдаги рангтасвир санъатининг аҳволи ҳақидагина эмас, шунингдек овчиларнинг ов усуллари, ҳайвонларнинг қилиқлари ва ҳаказолар ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Шимолда ёки Россиянинг ўрта минтақасида яшамаган, унинг табиати ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ўзбекистонлик киши Россия табиатининг

гўзаллигини И.Шишкин, И.Левитан ва бошқа рассомларнинг асарларидан билиб олиши мумкин.

Бугунги давр ёшлари одамларнинг аввал қандай яшаганликларини П.Бенков, Верещагин, Р.Чориев, Ҳамдамий, И.Репин, В.Суриков ва бошқа реалист-рассомлар ижодидан билиб олишлари мумкин.



И.Репин.

Санъатнинг моҳиятини, ижтимоий-тарбиявий ролини тўла-тўқис тушунишда бизга катта ёрдам беради. Вокеликни билиш ҳис этишдан бошланади. Ҳис этиш борлиқни бадиий идрок этишнинг манбаидир.

Ўзингизни манзарачи рассом деб фараз қилинг. Сиз полотнода

бахорнинг уйғонишини тасвирламоқчисиз, дейлик. Сизда хилма-хил ҳислар таъсирида баҳор тушунчаси пайдо бўлади. Бунда гулу лолаларга бурканган баҳор нафаси, ариқларнинг шарқираб оқиши, ўрмонларнинг шовуллаши, колдирғочларнинг чириллаши, энди сабза уриб келаётган майсаларнинг ям-яшил ранги ҳам катта аҳамият касб этади.

Манзара чизмоқчи бўлган рассом учун фақат ҳис этишнинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Табиатдаги муҳим ҳодиса ва деталларни оқилона равишда танлаш лозим, чунки бу ҳодиса ва деталлар уни тўла-тўқис таърифлаб беради.

Рассом ўз асарига маълум бир ғояни сингдиради ва унинг ҳаққонийлигини томошабин билан бирга текшириб кўради. Томошабин унинг ҳис-ҳаяжони ва фикри-ўйини ҳамдамлашади ёки инкор этади, қахрамонларини севиб қолади ёки рад этади.

Агар рассом тажрибаси, ўй-хаёллари, ҳис-туйғулари томошабин ўй-хаёлларига тўғри келмаса, агар рассом томошабин ҳис этаётган нарсаларни акс эттирмаса, ҳаётнинг томошабин билмаган, лекин билгиси келган жиҳатларини очиб бермаса, бундай асар рассомнинг тор субъектив қарашларинигина акс эттирган бўлади холос. Бинобарин, бундай асар кенг томошабинларга ҳеч қандай фойда келтирмайди, унга тушунарли бўлмайди.

Бирор суратни ёки тасвирий санъат асарини биз доимо ундан бирор янгиликни билиб олиш учун, бирор нарсани ўрганиш учун, ҳаётий гўзалликни хис этиш учун, тажрибамизни орттириш учун томоша қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, бадиий кўрғазмаларда кўпдан-кўп асарларни томоша қилар эканмиз, ундан биз рассомнинг услубинигина ўрганмай, уларнинг композициявий талқинига, ранг колоритига ҳам эътибор берамиз. Бинобарин, бундан эстетик завқ оламиз, кўшимча билим, тасаввурлар ҳосил қиламиз.

Халқаро даражадаги кўрғазмага кўйилган кўпгина суратлар томошабинларни маънавий, эстетик жиҳатдан бойитиши билан бирга, турли халқларнинг маданияти ва турмуши билан таништиради, шунингдек, меҳнат ва қаҳрамонликка илҳомлантирди. Тўғри, бу кўрғазмада ранглари пала-партиш, шакллар билан тўлдириб юборилган ола-була расмлар ҳам сезги органларимизга таъсир қилди, лекин улар бизга маънавий озуқа бермаслиги мумкин. Шунини ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, томошабин одатда ташқи кўриниши билан эмас, балки чуқур мазмуни билан жалб этувчи, унда фикр-мулоҳаза кўзғовчи, билмаган нарсасини ўргатувчи асарлар олдида тўхтади.

Бу ерда шунини таъкидлаб ўтиш керакки, илғор дунёқараш позициясида турувчи рассомлар яратган асар инсон ҳаётига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Шу маънода, санъат борлиқни, инсон меҳнати ва турмушинигина акс эттирибгина қолмай, уларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади, қаҳрамонликка ундайди, кишиларни тўғри йўлга бошлайди.

Рассом ўз асарида фақат кўрган билган нарсаларни, воқеаларни жонсиз, оддий кузатувчи бўлиб тасвирламаслиги лозим. Айниқса унинг яқин иштирокчиси, ҳамдарди бўлиб тасвирлаш муҳим. Воқеани энг муҳим ва асосий қисмини, мазмунини акс эттириши катта аҳамиятга эгадир.

И.Репиннинг “Кутмаган эди” картинасида ўз даврининг илғор кишиларидан бири узоқ сургундан қайтган инсоннинг ўз оиласи билан учрашшуви, кўшилув ҳолати акс эттирилган. Композиция кулминацияси ҳолати ҳам унинг ечими ҳам воқеанинг бир ҳолатидан иккинчи ҳолатига ўтиши акс эттирилган. Ўтмиш билан келажак тасвири қизиқарли очиб берилган.

Портретда ҳам портрети акс эттирилаётган киши ҳолати ҳам унинг ички руҳий кечинмалари акс эттирилса портрет мувоффақиятли, жоли чиқади.

Албатта ҳар бир рассомнинг ўз фикр ва сезги ҳиссиёти доираси мавжуд. Уларнинг теварак атроф воқеалигидан излашни ва акса эттиришга интилади. Ўзига қизиқарли бўлиб кўринган сюжетни ва тасвирий пластик мотивни келажак асар учун танлайди. Мотив (мавзу) топилганда, унга берилиб етарли тарихий, ҳужжатли, портрет, манзара ва бошқа маълумот йиғишга бошлайди. Картина устида ишлашда бу ашёлардан моҳирона фойдаланиб топилган

мотивни усталик билан иувоффақиятли пластик ечимни композиция деб аташ мумкин. Мотик топиш музыкада оҳанг топиш каби муҳим бўлиб, бунга ўргатиб бўлмайди, композиция эса фан бўлиб унинг асосини ўқувчига тушунтириш мумкин. Шундай қилиб мотив топишни ўргатиб бўлмайди, аммо композиция асосини эса ўргатиш мумкин.

Картинада ва янги пластик мотив асосий талаб ҳисобланади. Айниқса манзарада роли ва янги пластик мотив катта аҳамиятга эга. Бунга ҳар хил руҳий қалбга эга бўлган рассомлардан Левитан ва Куйинжи асарлари мисол бўла олади.

Композиция устида ишлаш қандай қоида ва конкнларга бўйсундирилади. Баъзи бир муҳимлари устида тўхталиб ўтимиз:

1. Ҳамма нарса асосий мазмунга бўйсундирилади.
2. Бадий асарда ҳамма нарса ўзаро боғланган бўлиши керак.
3. Бадий асарда томошабин кўпроқ диққатини тортадиган композиция маркази бўлиши лозим.
4. Кўпроқ ва мотивни янги бўлиши учун бўшлиқ, ёруғ соя, контрастлар, ранглар гармонияси, шакллар муносабати, ритм ва бошқа воситалар ишлатилиши.
5. Ортиқча, кераксиз насалардан холи бўлиши.
6. Композицияда симметрия(покой) ва асимметрия (ҳаракат) ҳолатларидан фойдаланиш.
7. Бадий шакл (музыкада ашула, романс, опера, симфония ва бошқалар).
8. Асар ўлчами унинг мазмунига, картина формати унинг композициясига мос келиши.

Юқоридагиларга тўла амал қилиш яхши тасвирий асар яратишга кафолат бермайди. Албатта ижодий ёндошиш ва зарур ҳолатда уларни бузиш ҳам мумкин. Бунга қотиб қолган догматик тушунмаслик керак.

Ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш асосида ва янги пластик мотив, чизматасвир, рангтасвир, композиция қоидаларидан фойдаланишда моҳирлик билан бажарилган ҳақиқий пухта асар ҳисобланиши мумкин.

3.2. Композицияда колорит ечими ва инсон рухиятига таъсири.

Бадий рангтасвир колоритини бойитиш йўллари табиатни кузатиш ва ҳақиқий халқ санъатларини ўрганиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Халқ санъати ўрганиб бўлинган, янгилик учун асос бўлаолмайди дейдиганлар бўлиши мумкин. Аммо кўпдан маълумки “Бутунлай унутилган

эскилик – бу янгиликдир” дейдилар халқимиз. Кўп ҳолда эскиликка янгича қараш ва янгича ҳис қилиниши мумкин.

Маълумки ранглари ўрганишга табиат, унинг бой ҳаёти ва ўзгаришлари асос бўлиб хизмат қилади.

Амалий - безак санъати рассомлари аллақачон табиатдаги гулларнинг бой колоритига, капалак ва бошқа табиат шаклларига мурожаат қилганлар. Биламизки тўтилар, капалаклар ва бошқаларнинг ёрқин ранглари дидсиз, пала-партиш деб бўлмайди, балки аксинча.

Аммо баъзи рассомлар ўз асарларида колорит кетидан қувиб дидсизликка учрайдилар. Табиатда тош, дарахт, кўкат, гуллардаги ранглари уйғунлиги, тус нисбатлари ҳосил қилган колорит бизга сабоқ бўлиши мумкин.

Ҳақиқий колорист – рассом учун атроф-муҳитни, ҳаётни кузатабилиши муҳим касб этади. Кузатилган ҳодисаларни ва нарсаларни эслаб қолиш зарур.

Рассом ҳар доим, ҳамма жойда кузатишни ўз онгига сингдириши керак. Одамлар гуруҳида ритм ва чизиклар, ранг доғлари, кийимлар уйғунлиги эсан чикмайдиган кучга эгадир. Бола кўтарган аёл, унинг кийимларида уйғун ранг тузилиши ўзгача гўзалликка эга бўлиши мумкин.

Табиатнинг бадиий ижоди чексиз бўлиб ҳар қандай рассом учун ҳақиқий илҳом берувчи, колоритини бойитувчи, ранг-барангликка, доимий янгиликка руҳлантирувчи ҳисобланади.

Табийки рангтаъбир постановкаси композициясида яхлитлик катта аҳамиятга эга. Қиёфалар, шакллар ва ранглари маълум бир мақсадга, образга бўйсундирилиши лозим. Постановка рангтаъбири композициясида бўлинмаслик яхлитликни ташкил қилади. Бу ҳолат томошабин рангтаъбирни идрок қилиши ва рассом фикрини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Мукамал яхлит постановка композициясида бирон бир шакл ёки одам қиёфасини олиб ташлаш ёки қўшиш композиция маъносига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, рангтаъбир композицияси ўлчамини ўринсиз катталаштириш ёки кичрайтириш ҳам яхлитликни бузилишига, унинг бадиийлигига зарар етказиши мумкин. Бунда шакллар ўз маъносини йўқотиши, ортиқча бўшлиқлар пайдо бўлиши ёки бўшлиқ кичрайиб ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Композиция яхлитлигига қомат ва шаклларнинг ўлчами ҳам ката рол ўйнайди.

Фронтал композиция. Мукамал ишланган постановка композицияси яхлитлигини бузмай туриб бирон бир шаклни ўрнини ўзгартириб ёки бошқасига алмаштириб бўлмайди. Шунингдек, олиб ташлаш ҳам яхлитликни бузиши мумкин. Яхлит композиция ана шундай талабларга эга. Дарахт танаси, шохлари, барглари, томирлари яхлит бир кўриниши бўлса, шохларини ёки барглари олиб ташласак яхлитлик йўқолади. У энди олдинги дарахт эмас, у

шоҳларсиз, баргсиз дарахтдир. Яхлитлик тушунчаси ҳам ана шунга ўхшаш фарқларга эгадир.

Албатта бундай тарифлар дастгоҳли рангтасвир, бадиий рангтасвири композициясига ва бошқа турдаги композицияларга ҳам таалуклидир.

Бадиий рангтасвирда колорит композициянинг бошқа элементлари каби ғоя билан чамбарчас боғланиб томошабинга мазмунни равшан идрок қилишга нурсоя ҳам катта ёрдам беради. Завқли ва равшан колоритни очиқ ранглар билан тузиб бўлмайди. Томошабинда ҳаёт ҳақиқати, табиий ранглар гаммаси, табиат ҳолати колоритини акс эттирувчи фикр ва ҳис-туйғуни бойитади.

Қуёш чиқиши ёки ботиши, кундузи ёки ойдин кеча манзараси, туман ёки ёмғирли кун томошабинда ҳар хил кечинмаларни туғдиради. Табиатда ҳар хил колорит ҳолати қувончли дақиқалар билан, ёки сирли нотинчлик билан боғлиқ. Чарақлаган қуёшли кун яшил далалар ва ўрмонлар тасвирланган картина албатта қувончли руҳ бағишлайди.

Кулранг булут билан қопланган осмонни кузатишлар орқали картинада рассом ифодали ўйчанлик колорит ҳосил қилиши мумкин.

Рассомларнинг асарларини кузатар эканмиз тасвирда табиатнинг ёритилиш ҳолати ғоя билан боғланиб, картина колоритида акс этганини кўрамиз.

И.Левитаннинг «Ёз оқшоми» манзарасида диққатга сазовар объект бўлмасада, биринчи планда дарвоза, дала йўлакчаси ва узокдаги ўрмон тасвирланиб оқшомнинг гўзал колоритини ҳосил қилган. Оқшомнинг ҳаққоний манзара ҳолати картинани гўзал, шоирона тасвиридир. Бу гўзаллик томошабиннинг қалбини тўлқинлантириб, қачондир кўрган нарсаларини яна бир бор қалбидан ўтказишга ундайди. Шунга ўхшаш кўпгина картиналарни айтиш мумкинки, бунда колорит асар мазмунини ифодалайди. Воқеликни картинада табиий ранг колоритида акс эттирилмаса, асар мазмуни тўла очиб берилмайди, унда ҳаётийлик бўлмайди. Картинада тусни ёки ранг кучини озгина ўзгартирилиши картина руҳини ва мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. Ранг тузилишида табиий яхлитликни оз бўлсада ўзгариши рангтасвир асарини бўшлиқ планларини нотабиийликка олиб келади. Чехра ва кийим ранглари хом ва хунук рангда кўриниб томошабинни бефарқ қилади.

Бадиий рангтасвир санъатида колорит-бу рассомнинг табиатдаги бор ранглар тусини билиши, ўрганиши натижасидир.

Табиатда ҳамма нарсалар ранги умумий ёритилиш натижасида бир-бири билан рефлекс ва ўзаро ранглар контрасти узвий боғланган. Рассом ҳамма жойда ранглар гармониясини ва «хунук» ва «қарама-қарши» ранглар тусини билиши, уларни бир-бири билан боғлай олиши керак.

Санъат ҳаётга тақлид қилибгина қолмай, балки шоирона акс эттиради, ундан завқланади. Бу рассом олдида чексиз изланиш, янги воситалар топиш каби буюк вазифалар туради, шунингдек шаблонлардан қочишга ундайди.

Колоритни ўрганиш, излаш, янги томонларини очиш, ихтиро қилиш картинада мавзуни қалбдан акс эттириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳақиқий колорист-рассом бўлиш, бу “рангдорлик” учун ишлаш дегани эмас. Агар рассом таланти катта маънони, мавзуни, гўзалликни очиб берувчи асар учун хизмат қилса рангтасвирчилик, рангдорлик ўз-ўзидан йўқолмайди. Баъзида “ранглар чиройли” дейилганда, бу рассом учун унчалик мақтов эмас. Балки картинанинг маъноси, ғояси эътиборга лойиқ бўлмай, рассом ўз олдига қўйган ижодий мақсадига эриша олмаган ёки у бутунлай бўлмаган.

Буюк рассом ўз ижодида колоритдан картина ғоясини; рангтасвир, мавзу, чизматасвир, нурсоя, ранг, шакллар пластик уйғунлигини бир - биридан ажратмайди.

1.3. Рангтасвирда шакллар образи ва таҳлили. Шакл ва рангининг инсон руҳиятига таъсири.

Натурадан рангтасвир асари ишлаш жараёни ўз қонун ва қоидаларига эга, ҳамда бу иш жараёнининг алоҳида тартиби бор. Тасвир жараёнининг кетма-кетлигини англаш асар ишлашдаги муваффақиятни таъминловчи муҳим шарт ҳисобланади. Тасвир ишлаш бошида ва ўртасида нима қилишини, уни қандай яқунлашни ўрганиш лозим. Рангтасвир асари ишлаш пайтида қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади: 1) умумий тус ва ранг ҳолати доираси ва натура бўёқлари яқинлиги нуқтаи назарида тус ва ранг муносабатларини топиш; 2) катта ранг - тус муносабатлари доирасида ранг – тусларни аниқлаш; 3) бутун тасвир яхлитлигини умумлаштириш, композиция марказини ажратиб кўрсатиш.

Тўлақонли рангтасвир композиция қурилмасида натуранинг асосий ранглари орасидаги тус ва ранг тафовутини аниқ талқини билан белгиланади. Бу натюрмортда натура ва фон асос, манзарада ер ва сув юзаси, олд, ўрта ва орқа план тўғри ифодаланишини таъминлайди. Чизматасвирда ҳам худди шунга ўхшаш вазифа бажарилади: дастлаб катта ва умумий шакл тузилади.

Рангтасвирда иш бошлашдан аввал натуранинг умумий ранги тузилмаси диққат билан ўрганилади. Бунга 5-10 минут вақт ажратиб, натуранинг асосий ранг муносабатларини тушуниш ва аниқлаш зарур бўлади.

Ранг нисбатларини аниқлашда, аввало натуранинг равшанлиги ва рангининг ёрқин қисмларини, кейин энг қора (тўқ ранг) қисмини ва уларга нисбатан бошқа қисмларини аниқлаш керак. Сўнгра ўртача қора туси ва ранг

кучи пастроқ қисми ва бошқалар абелгиланади. Мураккаб кулранг тусли бўёк охирида аниқланади.

Рангтасвир ишлашда дарров рангни ўта ёрқин, ўта тўқ ва тўйинган рангларда бошлаш ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Энг ёруғ ва энг қора жойлари оқ ёки қора рангда бўлмаслиги мумкин. Ўта кучли тўйинган ёрқин ранг қисми ҳам учрайди. Шунинг учун бўёқда ишлашдан олдин умумий ранг оҳангини ва ранг кучини, ранглар муносабатини, оқ жойларини қайси оқ рангда ва тўқ жойларини қайси тўқ ранглардаги нисбатини ўйлаб кўриш лозим.

Ранг муносабатлари ва ёруғ-сояни аниқлашда катта текисликдан майда текисликка ўтиш керак. Масалан портретда юз қисми ва кийимлари умумий рангдан кўз, соч, лаб, шунингдек кастюм, кўйлак ёки шарф каби алоҳида қисмлар рангини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. қоматнинг фонга нисбатан ранг тусини аниқлаш ҳам муҳим, тўқ рангдаги соч неча баробар фон рангига нисбатан тўқроқ юз қисмининг ёруғ жойи, соя қисмига нисбатан неча баробар ёруғроқ ва бошқаларни фарқини аниқлаш лозим. Шу йўсинда натура ҳамма қисмлари ишлансагина портрет мақсадга мувофиқ амалга оширилиши мумкин ва портрет табиий чиқишига эришилади.

Рассомчиликда «катта ёруғлик», «катта соя», «катта шакл (киёфа)», «катта ранг муносабати (нисбати)» каби сўзлар ишлатилади. Бу натура яхлит кўрабилишни ва яхлит тасвирлашни белгилайди. Натуранинг ёритилган қисмининг ранг туси соя қисмидаги ранг - тусига ҳеч вақт ўхшамайди, тўғри келмайди. Шунингдек шахсий сояси билан ерга тушган соясининг туси (ёрқинлиги) орасидаги фарқ бир хил эмас. Соя қисмидаги рефлекс ярим соядан ёрқин (оч рангда), шахсий соя умумий тусига боғлангандир. Тўғри топилган шакл катта бўлакчалари туси ва ранги тасвирнинг яхлитлигини (бутунлигини) ва ёритилишнинг тўғрилигини ифодалайди. Катта пландаги ранг тусини аниқлагандан кейин, ёруғ соя қисмларини, яъни ҳар бир шаклни (натура қисмларини) алоҳида ёруғ - соя ва рангларни ёруғликда, яримсояда, шахсий соясида ва ерга тушган соясида тўғри аниқлаб тўла ўхшашлик берилади.

Ҳар қандай ёруғликда кўринган натура қисмлари ҳар хил ранг тусида бўлади. Бир қисми ёруғроқ, иккинчи қисми биздан узокроқ бўлса албатта биринчисидан фарқ қилади. Шунингдек ярим соядаги ва соядаги ёнма - ён турган икки жисм албатта бир - биридан фарқ қилади, улар орасидаги тус ва ранг қандай бўлишини эътиборда тутиш керак. Иккита қисмини бир хил оқ ёки қора бўёқ аралаштириб ишлаш тўғри келмаслиги мумкин.

Ҳар бир шакл қисмига алоҳида ранг тайёрлаб тегишли жойига қўйиш зарур. Иссиқ ранг бўлакчаси ўз атрофида ҳар доим совуқ ранг бўлакчасини

талаб қилади ва аксинча. Масалан, жисм сирти зарғалдоқ рангда бўлса, унинг ёнида нилоби (голубой) ранг бўлиши мумкин.

Тасвирда иссиқ ва совуқ ранг жилоси бир - бирини тўлдириб, ранг жарангдорлигини оширади. Кўз олдимизда натуранинг табиийлигини таъминлайди.

Жисм рангларини бир - бири билан таққослаб, катта - катта бўлакчаларига таққосланади. Жисм рангларини алоҳида кўриш, ёнидагиси билан таққосламаслик колоритни бузилишига олиб келади. Рангларни таққослашда кулранг (серий)га эътибор бериш керак. Чунки кулранг иссиқ ранг ёнида совуқ ранг, совуқ ранг олдида иссиқ ранг бўлиб кўриниши мумкин.

Агар қизил ранг билан кулрангни таққосласак совуқрада, кўк ранг ёнида эса иссиқ рангда кўринади. Шунинг учун ранг тусини аниқлашда кулрангни кулранг билан, ёрқин рангни ёрқин ранг билан, қорамтир рангни қорамтир ранг билан таққослаш муҳимдир.

Тасвирланаётган жисмни контур (чегара) чизиғини ҳам таққослаш ўринлидир. Чунки у ҳамма жойларида ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи жойларда яхши, аниқ кўринса, баъзи жойларида хиралашиб кўриниши мумкин. Тушаётган соя чегаралари ҳам ҳар хил. Биринчига нисбатан учинчи пландаги жисм чегаралари хиралашиши аниқ.

Бўёқнинг хақиқий ранг кучини ва ёрқинлигини мато юзаси тўла бўялмагунча аниқлаш қийин. Палитрадаги ёрқин рангли бўёқ холстда ҳам ёрқин ранг дейишга эрта, у фақат холстдаги бошқа рангларга таққослаш натижасида аниқланади. Ёрқин рангли жисмни атрофидаги жисмлар ранги аниқланмагунча айтиш қийин.

Портретни ранглаш давомида унинг чизматасвири билан барча рельефини ва характерини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим. Портрет рангини умумлаштириш жараёнида натурани яхлит кўра билиш керак, яъни уни бир зумда кўриш ва таққослаш орқали мақсадга эришилади. Шунингдек натурани ва холстни яхлит кўрабилиш тасвирдаги ранг хатолигини аниқлаб умумлаштиришга ёрдам беради. Иш жараёнида яхлит кўра билиш рангтасвирчи - рассомлик касбида энг муҳим вазифадир. Бу маҳоратни яхши эгаллаган рассом натура образини тўғри акс эттириб, унда биринчи даражали қисмини, жисмлар ўрнини, тугалланиш даражасини, композиция марказига урғу беришни моҳирлик билан амалга ошираолади.

Яхлитлик қонунларига амал қилмасдан, натурани чизматасвири (қаламтасвири)ни, рангтасвирни ҳосил қилиш мумкин эмас. Шакл ҳам, ранг ҳам, ўз-ўзидан барпо бўлмайди, у ҳар доим яхлитликнинг бир қисми бўлиб, таққослаш натижасидир.

Объектларда умумийликни топиб олиш рассомни натуранинг иккинчи даражали жихатларидан озод қилади, асосий тус ва ранг муносабатларни белгилаб олишга имкон беради.

Ранг муносабатларни ёрқин ва кўринарли рангдан бошланади, сўнгра энг қуюқ рангга ўтилади, қолганлари ўшаларга нисбатан белгилаб борилади. Мураккаб ранглар ва кулранг энг охирида қўйилади.

Дастлабки, бошланғич туслар ҳар доим ҳам ўта ёрқин ёки қуюқ бўлавермайди. Энг ёрқин жойни оқ рангда, қуюқ жойи қора рангда бўлиши шарт эмас. Ўта тўйинган ранглар ҳам кам учрайди.

Ёруғ-соя ва ранг муносабат (нисбат) ларини топгач умумийликдан хусусийликка томон ҳаракат қилиш зарур. Дастлаб асосий шакллар орасидаги тус фарқлари тасвирда уларнинг турли қисмларига тегишли бўлган ранг муносабатлари топиб олинади.

Тасвирларга кейинги ишлов беришда натуранинг хусусиятини бўрттириб кўрсатувчи рангга таяниш тегишли натижани беради. Натурадан кам машқ қилган ёш рассомлар унга хос бўлган бўёқларнинг яқдиллигини доим ҳам муваффақият билан бера олмайди. Натурадан ишлаш чоғида унинг ранг жихатларининг мувофиқлашувини тушуниш, тус ва ранг ҳолатини белгилай олиш зарур.

Деталнинг ва бутун натуранинг хажмий шакл хилма-хиллигини яхши тушуниб олиш учун инсон кўзи илиқ ранглар оғушида совуқ рангларни ҳам англаб олишни назарда тутиш зарур.

Илиқ ва совуқ рангларнинг мувофиқлашуви уларнинг тасвирдаги жарангдорлигини янада оширади, натуранинг табиийлигини таъминлайди.

Буюмларни ранг бўйича чоғиштиришда яна бир ҳолатни ҳисобга олиш зарур бўлади. Кетма - кет ранг тафовутлари кулранг рангнинг гоҳ илиқ, гоҳ совуқ кўриниши касб этади. Агар уни қизил ранг билан солиштирилса совуқ туюлади, кўк билан солиштирилса илиқ туюлади. Шунинг учун ранг хусусиятларини аниқлашда бир - бирига мос ранглар қиёс қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Тасвирда - натураларни фақат рангига қараб эмас, балки чизикларнинг аниқлиги билан ҳам белгиланади. Тасвирланаётган буюм ёки шаклларнинг чегараси доим ҳам аниқ бўлавермайди. Баъзан шакл чегараси белгиланган бўлади, баъзан эса фон билан уйкашиб кетади.

Иш жараёнида доим ранг муносабатлари ёрдамида фикр юритиш лозим. Натураларни матодаги тасвири билангина эмас, уларни натурадаги кўриниши билан ҳам чоғиштириб бориш зарур бўлади. Олдинги планда жойлашган буюмлар орқадагига қараганда ёрқинроқ рангда бўлади.

Ёш рассом тасвирни олд пландан бошлагани мақсадга мувофиқ. Агар ранг беришни орқа пландан бошласа, олд планни ифодалашга бўёқнинг кучи етмай қолади.

Бутун мато (холст) юзаси бўёқ билан қопланмай ва муносабатлар тўғри олинмай туриб, бўёқ кучи ва тасвир натураларнинг моддий ашёвийлигини хис қилиб бўлмайди. Негаки натураларнинг ёритилганлиги ва тасвирланаётган натуранинг сирти тўғри ранг муносабатларига боғлиқдир.

Тасвир ва ранг муносабатларини белгилаш чоғида фақат ранг доғлари билангина эмас, балки маълум шакл билан ишлаётганликни унутмаслик зарур. Агар ранг аниқ шакл, ашё ва нарсаларни маконий жойлашувини ифодаламаса, у тасвирдаги моҳиятини йўқотади.

Иш сўнггида тасвирнинг айрим жойлари етарли рангдор бўлмаганлиги ёки ранг ва туси ортиқча ёрқин рангли бўлиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда куйидаги вазифалар ҳал этилади: шаклларнинг қатъий чегараси юмшатилади, ашёларнинг рангдорлиги юмшатилади ёки кучайтирилади, тус бўйича айрим жойлари ёритилади.

Умумлаштириш босқичида натурани яхлит кўришга ҳаракат қилиш лозим. Буюмлар гуруҳи чаплашгандек кўринади, лекин тусларнинг муносабатини, натуранинг яхлитлигини кўриш мумкин бўлади. Яхлит кўриш қобилияти ишни умумийликдан хусусийликка ва аксинча тарзда олиб боришга имкон беради.

Назорат топшириқлари

1. Композицион ечимни тушунтириб беринг.
2. Фронтал ва фазовий композициялар нима?
3. Композицияда колорит масаласини ёритиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П.Зоҳидов. Темур даврининг меъморий қаҳқашони. –Т.: Шарқ,1996.
2. Қодирхўжаев Ф. Бадий безак санъати. Монография. - Т.: “Илм зиё”, 2017.
3. Р.Худайберганаев. Композиция. 2008. Шарқ нашр.
4. Ўзбекистоннинг замонавий санъати. – Тошкент, 2004.
5. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
6. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
7. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Тасвирий санъатда кўникма, маҳорат ва кузатувчанлик туйғуларини ривожлантириш (4 соат).

Ишдан мақсад: Натурадан рангтасвир ишлаш жараёни ўз қонун ва қоидаларига эга, ҳамда бу иш жараёнининг алоҳида тартиби бор. Тасвир жараёнининг кетма-кетлигини англаш рангтавир ишлашдаги муваффақиятни таъминловчи муҳим шарт ҳисобланади. Рангтасвир ишлаш бошида ва ўртасида нима қилишини, уни қандай яқунлашни ўрганиш лозим. Рангтасвир ишлаш пайтида қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади: 1) умумий тус ва ранг ҳолати доираси ва натура бўёқлари яқинлиги нуқтаи назарида тус ва ранг муносабатларини топиш; 2) катта ранг - тус муносабатлари доирасида ранг – тусларни аниқлаш; 3) бутун рангтасвир яхлитлигини умумлаштириш, композиция марказини ажратиб кўрсатиш.

Мақсаднинг қўйилиш: Тўлақонли рангтасвир композиция қурилмасида натуранинг асосий ранглари орасидаги тус ва ранг тафовутини аниқ талқини билан белгиланади. Бу натюрмортда натура ва фон асос, манзарада ер ва сув юзаси, олд, ўрта ва орқа план тўғри ифодаланишини таъминлайди. Чизматасвирда ҳам худди шунга ўхшаш вазифа бажарилади: дастлаб катта ва умумий шакл тузилади.

Рангтасвирда иш бошлашдан аввал натуранинг умумий ранги тузилмаси диққат билан ўрганилади. Бунга 5-10 минут вақт ажратиб, натуранинг асосий ранг муносабатларини тушуниш ва аниқлаш зарур бўлади.

Ранг нисбатларини аниқлашда, аввало натуранинг равшанлиги ва рангининг ёрқин қисмларини, кейин энг қора (тўқ ранг) қисмини ва уларга нисбатан бошқа қисмларини аниқлаш керак. Сўнгра ўртача қора туси ва ранг кучи пастроқ қисми ва бошқалар белгиланади. Мураккаб кулранг тусли бўёк охирида аниқланади.

Рангтасвир ишлашда дарров рангни ўта ёрқин, ўта тўқ ва тўйинган рангларда бошлаш ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Энг ёруғ ва энг қора жойлари оқ ёки қора рангда бўлмаслиги мумкин. Ўта кучли тўйинган ёрқин ранг қисми ҳам учрайди. Шунинг учун бўёқда ишлашдан олдин умумий ранг оҳангини ва ранг кучини, ранглар муносабатини, оқ жойларини қайси оқ рангда ва тўқ жойларини қайси тўқ ранглардаги нисбатини ўйлаб кўриш лозим.

Ранг муносабатлари ва ёруғ-сояни аниқлашда катта текисликдан майда текисликка ўтиш керак. Масалан портретда юз қисми ва кийимлари умумий рангдан кўз, соч, лаб, шунингдек кастюм, кўйлак ёки шарф каби алоҳида

қисмлар рангини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Қоматнинг фонга нисбатан ранг тусини аниқлаш ҳам муҳим, тўқ рангдаги соч неча баробар фон рангига нисбатан тўқроқ юз қисмининг ёруғ жойи, соя қисмига нисбатан неча баробар ёруғроқ ва бошқаларни фарқини аниқлаш лозим. Шу йўсинда натура ҳамма қисмлари ишлансагина портрет мақсадга мувофиқ амалга оширилиши мумкин ва портрет табиий чиқишига эришилади.

Рассомчиликда «катта ёруғлик», «катта соя», «катта шакл (киёфа)», «катта ранг муносабати (нисбати)» каби сўзлар ишлатилади. Бу натурани яхлит кўрабилишни ва яхлит тасвирлашни белгилайди. Натурани ёритилган қисмининг ранг туси соя қисмидаги ранг - тусига ҳеч вақт ўхшамайди, тўғри келмайди. Шунингдек шахсий сояси билан ерга тушган соясининг туси (ёрқинлиги) орасидаги фарқ бир хил эмас. Соя қисмидаги рефлекс ярим соядан ёрқин (оч рангда), шахсий соя умумий тусига боғлангандир. Тўғри топилган шакл катта бўлакчалари туси ва ранги тасвирнинг яхлитлигини (бутунлигини) ва ёритилишнинг тўғрилигини ифодалайди. Катта пландаги ранг тусини аниқлагандан кейин, ёруғ - соя қисмларини, яъни ҳар бир шаклни (натура қисмларини) алоҳида ёруғ - соя ва ранглари ёруғликда, яримсояда, шахсий соясида ва ерга тушган соясида тўғри аниқлаб тўла ўхшашлик берилади.

Ҳар қандай ёруғликда кўринган натура қисмлари ҳар хил ранг тусида бўлади. Бир қисми ёруғроқ, иккинчи қисми биздан узоқроқ бўлса албатта биринчисидан фарқ қилади. Шунингдек ярим соядаги ва соядаги ёнма - ён турган икки жисм албатта бир - биридан фарқ қилади, улар орасидаги тус ва ранг қандай бўлишини эътиборда тутиш керак. Иккита қисмини бир хил ок ёки қора бўёқ аралаштириб ишлаш тўғри келмаслиги мумкин.

Ҳар бир шакл қисмига алоҳида ранг тайёрлаб тегишли жойига қўйиш зарур. Иссиқ ранг бўлакчаси ўз атрофида ҳар доим совуқ ранг бўлакчасини талаб қилади ва аксинча. Масалан, жисм сирти зарғалдоқ рангда бўлса, унинг ёнида нилоби (голубой) ранг бўлиши мумкин.

Тасвирда иссиқ ва совуқ ранг жилоси бир - бирини тўлдириб, ранг жарангдорлигини оширади. Кўз олдимизда натуранинг табиийлигини таъминлайди.

Жисм ранглари бир-бири билан таққослаб, катта-катта бўлакчаларига таққосланади. Жисм ранглари алоҳида кўриш, ёнидагиси билан таққосламаслик колоритни бузилишига олиб келади. Ранглари таққослашда кулранг (серий)га эътибор бериш керак. Чунки кулранг иссиқ ранг ёнида совуқ ранг, совуқ ранг олдида иссиқ ранг бўлиб кўриниши мумкин.

Агар қизил ранг билан кулрангни таққосласак совуқ рангда, кўк ранг ёнида эса иссиқ рангда кўринади. Шунинг учун ранг тусини аниқлашда

кулрангни кулранг билан, ёрқин рангни ёрқин ранг билан, қорамтир рангни қорамтир ранг билан таққослаш муҳимдир.

Тасвирланаётган жисмни контур (чегара) чизиғини ҳам таққослаш ўринлидир. Чунки у ҳамма жойларида ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи жойларда яхши, аниқ кўринса, баъзи жойларида хиралашиб кўриниши мумкин. Тушаётган соя чегаралари ҳам ҳар хил. Биринчига нисбатан учинчи пландаги жисм чегаралари хиралашиши аниқ.

Бўёқнинг хақиқий ранг кучини ва ёрқинлигини мато юзаси тўла бўялмагунча аниқлаш қийин. Палитрадаги ёрқин рангли бўёқ холстда ҳам ёрқин ранг дейишга эрта, у фақат холстдаги бошқа рангларга таққослаш натижасида аниқланади. Ёрқин рангли жисмни атрофидаги жисмлар ранги аниқланмагунча айтиш қийин.

Портретни ранглаш давомида унинг чизматасвири билан барча рельефини ва характерини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим. Портрет рангини умумлаштириш жараёнида натурани яхлит кўра билиш керак, яъни уни бир зумда кўриш ва таққослаш орқали мақсадга эришилади. Шунингдек натурани ва холстни яхлит кўрабилиш тасвирдаги ранг хатолигини аниқлаб умумлаштиришга ёрдам беради. Иш жараёнида яхлит кўра билиш рангтасвирчи - рассомлик касбида энг муҳим вазифадир. Бу маҳоратни яхши эгаллаган рассом натура образини тўғри акс эттириб, унда биринчи даражали қисмини, жисмлар ўрнини, тугалланиш даражасини, композиция марказига урғу беришни моҳирлик билан амалга ошираолади.

Яхлитлик қонунларига амал қилмасдан, натурани чизматасвири (қаламтасвири)ни, рангтасвирни ҳосил қилиш мумкин эмас. Шакл ҳам, ранг ҳам, ўз-ўзидан барпо бўлмайди, у ҳар доим яхлитликнинг бир қисми бўлиб, таққослаш натижасидир.

Объектларда умумийликни топиб олиш рассомни натуранинг иккинчи даражали жиҳатларидан озод қилади, асосий тус ва ранг муносабатларни белгилаб олишга имкон беради.

Ранг муносабатларни ёрқин ва кўринарли рангдан бошланади, сўнгра энг қуюқ рангга ўтилади, қолганлари ўшаларга нисбатан белгилаб борилади. Мураккаб ранглар ва кулранг энг охирида қўйилади.

Дастлабки, бошланғич туслар ҳар доим ҳам ўта ёрқин ёки қуюқ бўлавермайди. Энг ёрқин жойни оқ рангда, қуюқ жойи қора рангда бўлиши шарт эмас. Ўта тўйинган ранглар ҳам кам учрайди.

Ёруғ-соя ва ранг муносабат (нисбат)ларини топгач умумийликдан хусусийликка томон ҳаракат қилиш зарур. Дастлаб асосий шакллар орасидаги тус фарқлари тасвирда уларнинг турли қисмларига тегишли бўлган ранг муносабатлари топиб олинади.

Тасвирларга кейинги ишлов беришда натуранинг хусусиятини бўрттириб кўрсатувчи рангга таяниш тегишли натижани беради. Натурадан кам машқ қилган ёш рассомлар унга хос бўлган бўёқларнинг яқдиллигини доим ҳам муваффақият билан бера олмайди. Натурадан ишлаш чоғида унинг ранг жихатларининг мувофиқлашувини тушуниш, тус ва ранг ҳолатини белгилай олиш зарур.

Деталнинг ва бутун натуранинг ҳажмий шакл хилма-хиллигини яхши тушуниб олиш учун инсон кўзи илиқ ранглар оғушида совуқ рангларни ҳам англаб олишни назарда тутиш зарур.

Илиқ ва совуқ рангларнинг мувофиқлашуви уларнинг тасвирдаги жарангдорлигини янада оширади, натуранинг табиийлигини таъминлайди.

Буюмларни ранг бўйича чоғиштиришда яна бир ҳолатни ҳисобга олиш зарур бўлади. Кетма - кет ранг тафовутлари кулранг рангнинг гоҳ илиқ, гоҳ совуқ кўриниши касб этади. Агар уни қизил ранг билан солиштирилса совуқ туюлади, кўк билан солиштирилса илиқ туюлади. Шунинг учун ранг хусусиятларини аниқлашда бир - бирига мос ранглар қиёс қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Тасвирда - натураларни фақат рангига қараб эмас, балки чизикларнинг аниқлиги билан ҳам белгиланади. Тасвирланаётган буюм ёки шаклларнинг чегараси доим ҳам аниқ бўлавермайди. Баъзан шакл чегараси белгиланган бўлади, баъзан эса фон билан уйкашиб кетади.

Иш жараёнида доим ранг муносабатлари ёрдамида фикр юритиш лозим. Натураларни матодаги тасвири билангина эмас, уларни натурадаги кўриниши билан ҳам чоғиштириб бориш зарур бўлади. Олдинги планда жойлашган буюмлар орқадагига қараганда ёрқинроқ рангда бўлади.

Ёш рассом тасвирни олд пландан бошлагани мақсадга мувофиқ. Агар ранг беришни орқа пландан бошласа, олд планни ифодалашга бўёқнинг кучи етмай қолади.

Бутун мато (холст) юзаси бўёқ билан қопланмай ва муносабатлар тўғри олинмай туриб, бўёқ кучи ва тасвир натураларнинг моддий ашёвийлигини ҳис қилиб бўлмайди. Негаки натураларнинг ёритилганлиги ва тасвирланаётган натуранинг сирти тўғри ранг муносабатларига боғлиқдир.

Тасвир ва ранг муносабатларини белгилаш чоғида фақат ранг доғлари билангина эмас, балки маълум шакл билан ишлаётганликни унутмаслик зарур. Агар ранг аниқ шакл, ашё ва нарсаларни маконий жойлашувини ифодаламаса, у тасвирдаги моҳиятини йўқотади.

Иш сўнггида тасвирнинг айрим жойлари етарли рангдор бўлмаганлиги ёки ранг ва туси ортиқча ёрқин рангли бўлиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда куйидаги вазифалар ҳал этилади: шаклларнинг қатъий чегараси юмшатилади,

ашёларнинг рангдорлиги юмшатилади ёки кучайтирилади, тус бўйича айрим жойлари ёритилади.

Умумлаштириш боскичида натурани яхлит кўришга ҳаракат қилиш лозим. Буюмлар гуруҳи чаплашгандек кўринади, лекин тусларнинг муносабатини, натуранинг яхлитлигини кўриш мумкин бўлади. Яхлит кўриш қобиляти ишни умумийликдан хусусийликка ва аксинча тарзда олиб боришга имкон беради.

2- амалий машғулот: Рангтасвир композициясида шакл ва ҳажм ҳосил қилишни ҳис этиш. Тасвирий санъатда композицияни АКТ орқали таҳлил усуллари (4 соат).

Ишдан мақсад: Рассомчилик ўқув юртларида одам тасвирини чизматасвирда ва рангтасвирда акс эттириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Масаланинг қўйилиши: Портрет ва мавзули картина жанрида мураккаб ижодий муаммоларни ечишда одам қоматини ва портрет чизматасвирини маҳорат билан ишлаш, мутаносиблик ва ҳаракатни аниқлаш, деталларини катта қисмлари билан боғлаш тасвирда тус, ранг бирлиги (яхлитлиги)ни умумлаштириш ва пластик ечимини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шуларни ўрганмасдан туриб портрети чизилаётган кишининг рухий ҳолатини кўрсатиб бўлмайди.

Одам боши (портрети) рангтасвири узоқ жараён бўлиб, назарий билим ва амалий малака, маҳоратни талаб этади. Жонли одам бошини чизиш учун катта малакага эга бўлиш керак. Уни маконда жойлашиши, перспектива ва конструктив чизиш, анатомик қурилиши ва шакл рангини кўрсата билиш билимини талаб қилади.

Портретда шахснинг индивидуаллик образини, рухий ҳолатини, характерини бадиий тасвирлашда рангнинг роли жуда катта. Шунингдек, тасвирланувчининг ёши ва бош қисмининг ёритилишига қараб ранг танлаш ҳам муҳимдир. Масалан севги-муҳаббатга тўла ёшларни тасвирлашда лирик ранглар (мовий, яшил, бинафша ва қизил ранглар мажмуаси)дан фойдаланадилар, кексаликка хос ранглар эса унча ёрқин бўлмаган (жигарранг, кўк, хира кулранг кабилар) рангларда тасвирлайдилар

Ранглар муносабатлари ҳам томошабинга катта таъсир қилиб тасвирланувчи ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Масалан: қизил – яшил ранглар шодликка, хурсандчиликка, байрамона гўзалликка ундайди. Кўк – яшиллар хаёлга, тинчликка чорлайди.

Талаба жонли одам қиёфаси (портрети)ни рангли ифодалаш ва муҳитда ёруғлик билан боғлашни билиши зарур. Ёш рассом мутаносиблик сезгисини ривожлантириши жуда муҳим бўлиб, бусиз мураккаб одам қоматини ва чеҳрасини тасвирлашда ўхшашликка эриша олмайди.

Одам портретини рангтасвирда ишлаш жараёнини ўзаро боғлиқ бўлган бир неча турга бўлиш мумкин: 1) Гризайл (оч ва тўқ тус) техникасида одам бошини тасвирини ишлаш; 2) Одам бошини табиий ёруғликдаги рангтасвирини ишлаш; 3) Одам бошини сунъий ёруғликда рангтасвирини ишлаш; 4) Одам бошини пьенэр (очиқ ҳавода, табиат)да рангтасвирини ишлаш.

Тус нисбатларини тўғри амалга ошириш реалистик тасвирий санъатнинг асосий элементи ҳисобланади. Бадиий рангтасвирда тус муносабатлари ранг муносабатлари билан боғлиқлиги асосий фундаментдир.

Дастгоҳли рангтасвирда қоидага биноан портретда бошни тасвирлашда унинг ҳақиқий ўлчамидан катта бўлмаслиги керак, балки кичикроқ тасвирланиши зарур. Айниқса елкали портретда ёки фақат бошнинг ўзи бўлса кичикроқ тасвирланиши мақсадга мувофиқ.

Бу қоидага ҳамма рассомлари дастгоҳли рангтасвир санъати ва мавзули картина турларида ишловчилар амал қилади. Тарихий ва жанг жанри композициясида олдинги пландаги қоматлар бирмунча каттароқ бўлиши мумкин.

Портрет жанрида бошни жойлаштиришда картина текислигининг геометрик марказида ёки марказга яқинроқ жойда тасвирланади. Бошнинг бурилишидан қатъий назар композиция марказида жойлаштирилиши керак. Агар портретда бош ён томондан (профил) бўлса, рассом тасвирланаётган кишининг қайси томонга қарашига қараб, шу томондан кўпроқ жой қолдирилади. Баъзи ҳолда қолдирилмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, В.А.Серовнинг «М.Н.Ермолова портрети» бунга мисол бўлади.

V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ

V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ

1-кўчма машғулот: Рангтасвир композициясини ишлашда тассаввур, англаш, кўриш ва ҳис этиш қобилияти (2 соат).

Тингловчилар Тошкент шаҳрида жойлашган рассомлар устахоналаридан бирига ташриф буюрадilar. Олдиндан келишилган рассом фаолияти тўғрисида суҳбатлашиши қаторида ижодининг ўзига хос томонлари, устозлари, шогирдлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб, ўзининг кундалик бажарадиган амалий фаолиятини намойиш этиб беради. Шу билан бир қаторда тингловчилар ижодкорнинг ишлари ёки мастер-классларини томоша қилиб, асар яратиш сирлари билан танишиб, ўз фикрларини баён этишлари учун шароит яратилади.

Халқ санъати ўрганиб бўлинган, янгилик учун асос бўлаолмайди дейдиганлар бўлиши мумкин. Аммо кўпдан маълумки “Бутунлай унутилган эскилик – бу янгиликдир” дейдилар халқимиз. Кўп ҳолда эскиликка янгича қараш ва янгича ҳис қилиниши мумкин.

Маълумки рангларни ўрганишга табиат, унинг бой ҳаёти ва ўзгаришлари асос бўлиб хизмат қилади.

Амалий - безак санъати рассомлари аллақачон табиатдаги гулларнинг бой колоритига, капалак ва бошқа табиат шаклларига мурожаат қилганлар. Биламизки тўтилар, капалақлар ва бошқаларнинг ёрқин рангларини дидсиз, пала-партиш деб бўлмайди, балки аксинча.

Рангтасвирдаги ритм тасвирнинг айрим элементлари такрорланиши кўринишида бўлади. Шунингдек, масштаблари нисбатида, ёруғлик ва ранглар жойлашувида, қўл ҳаракатларида кузатиш мумкин.

Ритм тузилиши картина текислигида ҳам, бўшлиқда шаклларнинг жойлашувида ҳам амалга оширилиб картина мазмуни билан боғлиқ ва ғояга бўйсундирилади. Ритм томошабиннинг диққатини муҳим элементларга қаратиб, тасвир равшанлигини, ифодалилигини кучайтиради.

Аммо баъзи рассомлар ўз асарларида колорит кетидан қувиб дидсизликка учрайдилар. Табиатда тош, дарахт, кўкат, гуллардаги ранглар уйғунлиги, тус нисбатлари ҳосил қилган колорит бизга сабоқ бўлиши мумкин.

Ҳақиқий колорист – рассом учун атроф-муҳитни, ҳаётни кузатабилиши муҳим касб этади. Кузатилган ҳодисаларни ва нарсаларни эслаб қолиш зарур.

Рассом ҳар доим, ҳамма жойда кузатишни ўз онгига сингдириши керак. Одамлар гуруҳида ритм ва чизиклар, ранг доғлари, кийимлар уйғунлиги эсан чикмайдиган кучга эгадир. Бола кўтарган аёл, унинг кийимларида уйғун ранг тузилиши ўзгача гўзалликка эга бўлиши мумкин.

Табиатнинг бадиий ижоди чексиз бўлиб ҳар қандай рассом учун ҳақиқий илҳом берувчи, колоритини бойитувчи, ранг-барангликка, доимий янгиликка руҳлантирувчи ҳисобланади.

Санъат ҳаётга тақлид қилибгина қолмай, балки шоирона акс эттиради, ундан завқланади. Бу рассом олдида чексиз изланиш, янги воситалар топиш каби буюк вазифалар туради, шунингдек шаблонлардан қочишга ундайди.

Колоритни ўрганиш, излаш, янги томонларини очиш, ихтиро қилиш картинада мавзунини қалбдан акс эттириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳақиқий колорист-рассом бўлиш, бу “рангдорлик” учун ишлаш дегани эмас. Агар рассом таланти катта маънони, мавзунини, гўзалликни очиб берувчи асар учун хизмат қилса рангтасвирчилик, рангдорлик ўз-ўзидан йўқолмайди. Баъзида “ранглар чиройли” дейилганда, бу рассом учун унчалик мақтов эмас. Балки картинанинг маъноси, ғояси эътиборга лойиқ бўлмай, рассом ўз олдида кўйган ижодий мақсадига эриша олмаган ёки у бутунлай бўлмаган.

Буюк рассом ўз ижодида колоритдан картина ғоясини; рангтасвир, мавзу, чизматасвир, нурсоя, ранг, шакллар пластик уйғунлигини бир - биридан ажратмайди.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)
2. “Монна-Лиза” портрети ишлашда қарамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)

1- Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қарамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?



1-расм

Рассом нега бу расмда “Монна Лиза”ни мийиғида кулиб турганини тасвирлаган



**Леонардо да Винчи Бу
картинани ишлаганда яна
қандай манзара қўйиши
мумкин эди?
Нега айнан у табиат
манзарасини “Монна
Лиза” картинасида акс
эттирган?**

2-расм



3-расм



1) “Мона Лизани”
хақиқий портрети
қайси давлат ва
қайси музейда
сақланади”

2) Ушбу картинани
яна қайси
расмомлар
ишлаган.²³

³ Leonardo da Vinci (Italian, 1452-1519)//Mona Lisa (La Gioconda).- Paintings: that Changed the World.-Munich.
Berlin, London, New York.- 2003.- P.-63

VII. ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Автопортрет	(грекча сўздан. Outos-ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу холда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.	(The Greek word. I Outos-) - portrait painter, a self-described. In this case, the artist, the person is also a person.
Акцент	(лотинча сўздан. Accentus-урғу) – Тасвирий санъатда ранг, тус, чизик ёки буюм, шаклнинг, чехрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиклар ёрдамида урғу беришдир.	(A Latin word. Accentus-emphasis) - fine arts, color, scale, line or unit, the face in the form of fine art in color, scale, and stressed that the strips.
Алла прима	(италиян сўзидан Alla prima - бир йўла, бир ишлашда)–нафис тасвирий санъатда ишлатиладиган усул. Картина (асар) олдиндан кўшимча тайёргарликсиз, яъни бир сеансда тугалланган.	(The Italian word Alla Prima - at the same time is a) the method used -nafis fine art. Painting (work) without additional preparation, which is completed in one session
Анфас	фас, олддан кўриниши, юз кўриниши	FAS excreted appearance, facial appearance
Абрис	чегара чизик	boundary line
Абстракционизм	мавхум санъат асарларини ўз ичига олган бадий йўналиш.	abstract art, including works of art direction.
Авангардизм	XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадий йўналишларни ҳам аташади).	the twentieth century, new forms and styles, methods, and other visual means of the invention, the researchers (sometimes called the new artistic directions).
Автолитография	рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани.	painter, his work lithographic method.
Академизм	академик услубга оид бадий йўналиш	academic style art direction

Акварель	(французча сўздан aquarelle, лотинча aqua- сув) – сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёк. Акварель тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик. Оқ бўёк сифатида кўпинча қоғоз замини сақланади.	(The French word Aquarelle, Latin aqua- water) soluble in water and detergent, soft and translucent paint. Watercolor image was colorful, elegant and delicate. White paint is often stored in the floor of the paper.
Анимал жанр	хайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.	wildlife art depicting animals.
Ансамбль	биноларнинг бадиий шакл ва услуб жиҳатидан бир-бирига уйғун кўриниши: бир усулда тикилган кийим-кечак, бадиий услуб жиҳатидан бир-бирига ўхшаш мебель ва ҳоказолар.	artistic harmony with one another in terms of shape and style of the buildings look: clothing sewn in a way, similar to one another in terms of style furniture and so on.
Антик санъат	қадимги деган маънони билдиради. Тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.	the oldest means. Developed in ancient Greek, Roman art world.
Блик	(немис сўзидан Blik – қараш. боқиш)- ёруғ-соя элементи. Ёритилган буюмнинг энг ялтироқ жойи, айниқса ялтироқ жисмда. Ёритилган қисмдаги умумий тусга нисбатан энг ёруғ, ялтироқ, ёриқроқ қисмидир.	(German Blik look. Support) - the element of light-shade. Illuminated shiny surface of a workpiece, especially shiny objects. Reflected the general nature of the bright, shiny surface area.
Бадиий	борлиқни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва ранго-ранг тасвирлаш.	things, the man, his life experiences, feelings of mutual emulation, the formation and multicolor imaging.

Бадий усулб	санъатда қўлланиладиган усул.	The method used in the art.
Биенале	икки йилда бир марта бўладиган кўргазма	once in two exhibition
Бюст	одамнинг кўкрагигача тасвирланган хайкали	a statue of the man described in the chest
Ватман	рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.	Arts and chizmachilikda used thick, high-grade paper.
Вариант	(лотин сўзидан-ўзгарувчан) – санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, комат харакатига, қўл харакатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати	(Latin so'zidan- changing) - reproduced art work by the author. As well as the composition, the picture colors, body movement, and changes in the movement of the hand. The meaning of the bewitching composition (material), keeping images of change position
Галерея	тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган махсус бино. Маълум асарлар туркуми ҳам тушунилади. Масалан, портрет галереяси.	storage of works of fine and applied art and special exhibitions are held in the building. Understood as a series of works. For example, the portrait gallery.
Гобелен	суратли гилам	carpet pictures
Грунт	замин, тасвир заминини (холст) тайёрлаш.	on the ground, to prepare the ground for the image Canvas.
Гармония	(грекча сўз бўлиб, harmonia – хушбичим, умумийлик, қисмлари (бўлаклари) келишган) – Тасвирий санъатда тасвирланаётган буюм	(The Greek word harmonia - looking, in common parts (pieces) come) -Tasviriy common shape or color of the item described in the art, elegance.

	шакли ёки рангнинг ўзаро умумийлиги, хушбичимлиги.	
Графика	(грекча сўздан олинган бўлиб, graphikos – чизикли, чизилган) – тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан оқ ва қора контраст ранглар, чизик ва штрихлар характерлидир. Графикага чизматасвир, гравюра, литография каби босма тасвир турлари киради.	(Derived from the Greek word, graphikos line drawing) - a type of fine art. Rangtasvirga less color is used mainly in black and white contrast color, line and bar characteristic. Chizmatasvir graphics, engraving, lithography, such as the printed image.
Гризайль	(французча – gris - кулранг) – бир хил рангда мўйкалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар. Оқ ва қора рангда туси билан фарқ қиладиган усулда ишланган тури.	(French gris -kulrang) - works of art using the brush in a different color. White and black colors with different methods.
Деталлаштириш	(детализация) – тасвирий санъатда детал (қисм)ларини алоҳида пухта ишлаш. Деталлаштириш расом усулига қараб ҳар хил даражада бўлиши мумкин.	(Detalizatsiya) - Fine art components (II) are as well. The artist may be different depending on the method of detail.
Деталь	(французча – detall – муфассаллик, мукамаллик): 1) элемент; 2) характерли қисм мукамаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.	(French - details - detailed benchmarks): 1) element; 2) characteristic of perfection; 3) The picture is not less important part; 4) fragment.
Жанр	(французча – genze - тур) – тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча.	(French - Genzyme - round) - unifying theme is similar to the concept of fine art. Rangtasvirida: still life,

	<p>Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (маиший, тарихий) турларидир.</p>	<p>interior, landscape, portrait, bewitching painting (living history) species.</p>
Живопись	<p>(рангтасвир) – тасвирий санъатнинг етакчи туридан бири. Нафис тасвирий санъат холст, картон, қоғоз ва бошқалар сатҳ текислигида бўёқларда бажарилади.</p> <p>Рангтасвирда: сувли бўёқ – акварель, мойбўёқ, темпера, энкаустика, пастель – курук бўёқ, гуашь каби ашёлар (бўёқлар) ишлатилади.</p>	<p>(Painting) - one of the leading forms of fine art. Fine art canvas, cardboard, paper and other steps performed painted the plains.</p> <p>Rangtasvirda: watercolor, watercolors, oil paintings, tempered enkaustika pastel paint dry, like guash materials (paints).</p>
Интерьер	<p>(французча – interieur – ички, ичкаридаги) – ички кўриниш, бинонинг ички хоналари кўриниши ва унинг тасвирий саъатда тасвирланиши.</p> <p>Шунингдек, хона, бино ичидаги нарсалар, буюмлар, деворларнинг (мозайка, фреска, накш, матолар билан) кўриниши.</p>	<p>(French - interieur - inside, outside) - the view, the view of the interior of the building and its visual description of sa'atda. As well as the rooms within the building materials, walls (mosaic, fresco, patterns, fabrics).</p>
Картина	<p>(расм, сурат) – алохида белгиланган нафис тасвирий санъат асари. Расм (картина) ҳар хил жанрда бўлиши мумкин. Этюдга нисбатан борлиқни (натурани) пухта ўйланган ва пухта ишланган, тугатилган, деталлари ва шакллари моҳирлик билан акс эттирилган кўринишидир.</p>	<p>(Photo) - the delicate work of fine art. Photo (picture) may be a different genre. Essays assets (natural) well-thought-out and well-finished details are reflected in the forms and subtle forms.</p>

Керамика	(грекча – keramikos – лойда ишланган кулолчилик асаридир) Амалий безак санъат асари. Ҳайкалтарошлик ва уй-рўзғор идишлари, буюмлари ҳар хил навли лойдан ва ҳар хил безакли ишлов берилиб, алоҳида хумбузда пиширилади.	(Greek Keramikos - made of clay pottery works), applied decorative art. Sculpture and household utensils, pieces of various types of clay and a variety of decorative products, cooked xumbuzda.
Колорит	(лотинча – color – ранг, бўёқ) – санъат асарининг алоҳида ранг ва тус тузилишидир. Колоритда реал борлик (натура)нинг табиий рангларини алоҳида мақсадли ажратиб бадиий образли бўёқларда акс эттириш. Ранглар мажмуаси ва ранг гўзаллиги нисбатлари. Иссиқ ва совуқ, ёрқин, қизғиш, мовий каби гаммаларда бўлиши мумкин. Асар инсонда руҳий ва бадиий образ хиссиётини уйғотиши мумкин	(Latin - color - the color of paint) - a work of art became a separate color and structure. Style real assets (in-kind) in the natural colors of the special purpose of art painted imagery of the display. A set of colors and the beauty of color ratios. Hot and cold, bright, red, blue gammalarda. Work can awaken feelings of the human spirit and artistic image

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Бу юк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажакки фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрель “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4688-сонли Қарори

Ш. Махсус адабиётлар.

18. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

19. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

20. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

21. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

22. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

23. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

24. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

25. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
26. Қодирхўжаев Ф. Бадиий безак санъати. Монография. - Т.: “Илм зиё”, 2017.
27. Р.Худайберганаев. Композиция. 2008. Шарқ нашр.
28. Ўзбекистоннинг замонавий санъати. – Тошкент, 2004.
29. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
30. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
31. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
32. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
33. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
34. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
35. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183
36. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
37. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
38. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013.
39. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004.
40. Н.Гилманова. Католог-2014. 6-10.

Интернет сайтлар

41. <http://edu.uz>
42. <http://lex.uz>.
43. <http://bimm.uz>
44. <http://ziyonet.uz> –
45. <http://www.dsmi.uz>.
46. <http://www.artsait.ru>
47. <http://artyx.ru/>
48. <http://www.art-drawing.ru>